

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

Нодирова Шахло

**Инглиз ва ўзбек тилларидаги “ВАҚТ” концептини
ифодаловчи воситаларни таржима қилиш муаммолари.**

**5141400- Хорижий тиллар Инглиз тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: Гавҳарой Исроилжон қизи.

Андижон -2012 йил.

Ушбу битирув малакавий иши Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети, хорижий тиллар факультети, инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг 2012 йилдаги май ойининг № 8- сонли йиғилишида кўриб чиқилди ва химояга тавсия этишга руҳсат берилди.

Хорижий тиллар факультети декани:

_____ Ф.ф.н.доцент Б. Раҳмонов

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудири:

_____ Ф.ф.н.доцент М.А. Абдувалиев

Илмий раҳбар: _____

Тақризчилар: _____

**Мавзу: Инглиз ва ўзбек тилларидаги “вақт” концептини ифодаловчи
воситаларини таржима қилиш муаммолари**

Режа:

Кириш.

Биринчи боб. Тилшуносликда концепт тушунчасининг ифодаланиши.

Иккинчи боб. Инглиз ва ўзбек тилларида “Вақт” концепти таржимаси
муаммолари.

2.1. “Вақт” концепти, унинг таржима муаммолари ва уларни бартараф
этиш йўллари.

2.2. “Вақт” концептини ифодаловчи фразеологик воситаларни таҳлил ва
таржима қилиш муаммолари.

Учинчи боб. “Вақт” концептини ифода
воситаларини ўқитиш бўйича методик тавсиялар.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....

БИРИНЧИ БОБ. Тилшуносликда концепт тушунчасининг
ифодаланиши.....

ИККИНЧИ БОБ. Инглиз ва ўзбек тилларида “вақт” концепти ва унинг таржима
муаммолари.....

2.1 “Вақт” концепти, унинг таржима муаммолари ва уларни бартараф
этиш йўллари.....

2.1 “Вақт” концептини ифодаловчи фразеологик таҳлили ва таржима қилиш
муаммолари.....

УЧИНЧИ БОБ. “Вақт” концептини ифода воситаларини ўқитиш бўйича методик
тавсиялар.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада таракқий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жихатдан етук фарзандлари билан ҳам жахонни қойил қилиши лозим.¹

И.А.КАРИМОВ.

Мустақиллик-бу миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи. Мустақиллик-бу орзулар рўёби. Ўзбекистон ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун имкониятга эга бўлди. Мустақилликдек буюк неъматга эришганимиздан кейин юртимизнинг ҳар бир соҳасида ривожлантириш ва модернизатция қилиш тез суратларда давом этмоқда, жумладан, таълим-тарбия соҳаси бўйича бир қатор муваффақиятли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Муҳтарам президентимиз И.А.КАРИМОВ илму-маърифат инсонни юксакликка кўтаради, зеро, илму тафаккур кишини эзгуликка бошлайдиган беқиёс кучдир. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат келажак эса ёш авлод қўлида. Шундай экан, кадрлар масаласини ҳал қилмасдан ҳаётимиз маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий талабларга мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор деб таъкидлаганлар. Барчамиз яхши билганимиздек, келажак авлод ҳақида қайғуриш соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятларимиздандир.

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Ҳаммамизга маълумки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислохотларни ўтказиш, ўзбек модели деб ном олган ислохотлар сиёсатининг асослари бўлмиш беш тамойилнинг бирида ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш вазифаси қўйилган.

Шунинг учун таълим-тарбия соҳасида ҳам белгиланаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ қилишда мана шу принцип — ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш принципи қўйилган.

Биринчи босқич — ўтиш даври бўлиб, у 1997—2001 йилларда, яъни 4 йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

¹ И А Каримов Баркамол авлод орзуси 1999 й., 92 бет

- Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши;
- янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш;
- ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув программалари устида ишлаш;
- умумтаълим мактабларини тузилиш жиҳатидан қайта қуриш;
- уч йиллик таълим — ўрта махсус ва касб-хунар билим юртлари тизимига замин тайёрлаш;
- узлуксиз таълим-тарбия тизимига асос соладиган тадбирларни амалга ошириш;
- ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи.

Иккинчи босқич — 2001—2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда Миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш даркор. Табиийки, тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат бозорини инобатга олиб, ижтимоий иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгартиришлар киритилади.

Учинчи босқич — 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарур.

Биз шошилмасдан, асосий мақсаддан оғишмай, изчиллик билан Миллий дастурни амалга оширишимиз лозим. Шундагина у умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига хизмат қилади. Уларнинг касбий ва таълимий дастурларни онгли равишда танлаш ва эгаллашлари учун ҳуқуқий меъёрларни, ташкилий, рухий-педагогик шарт-шароитларни таъминлашга кўмаклашади. Йигит-қизларимизни жамият, давлат, оила олдида ўз масъулиятини чуқур англаб етувчи шахслар этиб тарбиялашга замин бўлиб хизмат қилади.

Умумлаштирган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойиллари, менинг назаримда, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

- ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

- таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

- давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эhtiёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин;

- ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

- таълим муассасаларини, биринчи навбатда умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

- кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари — корхоналар, муассасалар, фирмалар, хиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгрок фойдаланиш;

- кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини жалб этиш;

- қонун доирасида ўқув режалари, дастурлари ва ўқитиш йўриқлари, таълимий хизматларни белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига мустақиллик бериш ва ўзини ўзи бошқариш усулларини жорий этиш.

Табиийки, бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг масъулияти алоҳида аҳамият касб этади. Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш кафили бўлиши зарур. Улар юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириши лозим.

Маълумки, халқ таълимининг асосий бугунини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли, бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилганига асосий эътибор бериш керак. Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузилиши, мақсадга мувофиқ бўлган.

Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобланади. Республикада

таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатларни моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш-давлат бошқаруви ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетига эришгани, шу туфайли ватанимизда чуқур ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бергани, дунё миқёсида давлатимиз обрўсининг ошиши ва республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига кўшилиши тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан ва моҳиятидан янгилаб берди. Фуқароларимизни, айниқса, ёш авлодни чет тилларга ўқитиш мамлакатимизда давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалага айланди.

Президентимиз хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий методикасини яратиш зарурлигини уқтириб, шундай дейди: “Мамлақатиимзда хорижий тилларнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак”².

Бундай шароитларда ўзбек тили ва чет тилларини жадал ва сифатли ўрганишнинг пухта ва самарали методикасини яратишнинг она тилимиз бўлган ўзбек тилини ва инглиз, немис, француз, рус, араб тиллари каби хорижий тиллар билан сифатли ва системали қиёслаб ўрганишсиз, тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бундай қиёсий таҳлиллар бевосита лингводидактика ва амалий таржима, қолаверса, назарий билимлар, жумладан, назарий тилшунослик соҳаларига ҳам алоқадордир.

1990 йил 4 август куни сўзлаган нутқида президент И.А.Каримов ҳали Ўзбекистон тўла мустақилликка эришмай туриб, унинг келажаги, ёшларининг тақдири, уларнинг илм олишларига яратилажак шарт-шароитлар тўғрисида фикрлар билдириб ўтган эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда таълим тизими тубдан ислох қилинди. Мамлакатимиз раҳбари айтганидек миллий дастуримизга эга бўлдик ва у асосда ҳозирда таълим соҳасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Олий таълимга берилаётган эътибор, айниқса, диққатга сазовор. Битирувчи талабаларнинг иш билан таъминланишини назорат қилиш, уларга бу соҳада амалий ёрдам кўрсатиш, етук мутахасисларни танлаб олиш ва шу кабилар фикримизнинг ёрқин мисоли бўла олади. Шу берилган имкониятларнинг самараси ўларок, бугунги кунда кўплаб ёшларимиз чет элларда таълим олиб қайтмоқдалар. Олган билим ва малакаларини қайтиб келганларидан сўнг бу ердаги тенгдошлари билан баҳам кўриб келмоқдалар. Чет

² И А Каримов, Баркамол авлод орзуси, Тошкент, 1999й., 37 бет.

тилини ўрганишга бўлган талаб кундан-кунга ошиб борапти. Бугунги кунда инглиз тилини хорижий тил сифатида ўрганаётган ёшларимизни кўплаб топишимиз мумкин. Биз ҳам инглиз тилини ўрганиб, шу тилни эгаллаётган университет битирувчи талабаси сифатида бугун олдимизда турган “вақт” концепти ва унинг инглиз ва ўзбек тилларидаги ифода воситалари ва таржима муаммолари ” мавзусидаги битирув малакавий ишини шу олий даргоҳда эгаллаган тўрт йиллик билим ва кўникмалар асосида ёритишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мавзу юзасидан изланишларимиз давомида кўплаб инглиз ва ўзбек тилларидаги илмий ҳамда бадиий адабиёт ва қўлланмалардаги мавзуга алоқадор маълумотларни бир жойга йиғишга эришдик.

Изланишнинг долзарблиги: Маълумки, "вақт"ни ифодаловчи тил воситалари дунё тилларида турлича акс этади. Таҳлил қилинаётган инглиз ва ўзбек тилларидаги "вақт"ни ифодаловчи сўзлар, тилларнинг тарихий тараққиёти натижасида ўзгариши ёки ўхшаш деб топилиши мумкин.

Изланишнинг долзарблиги сифатида, биринчидан, инглиз ва ўзбек тилларида "вақт"ни ифодаловчи тил воситалари лингвистик жиҳатдан тадқиқ этилмаган; иккинчидан, "вақт" тушунчасини ифодалашда сўзловчи ва тингловчига боғлиқ равишда семантик ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш; учинчидан, "вақт" тушунчасини ифодаловчи тил воситаларини лингвистик хусусиятларини ўрганиш. Ҳозирги кунда ушбу мавзу қиёсий методлар асосида турли тизимдаги тилларда тадқиқ этилмаган.

Изланишнинг мақсади: Инглиз ва ўзбек тилларида вақт концептини ифодаловчи воситалар структурал-семантик турлари қиёсий таҳлилини бериш ва уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Изланишнинг вазифалари: - Инглиз ва ўзбек тилларида мавжуд "вақт" тушунчасини ифодаловчи шаклларни йиғиш;

- Уларнинг ўзаро муносабатлар тизимини кўриб чиқиш;

- "вақт" тушунчасини ифодалашда лингвистик ва прагматик функциялар ўрнини ўрганиш;

Изланишнинг предмети ни инглиз ва ўзбек тилларида "вақт" концептини ифодаловчи тил воситаларининг лексик, морфологик, стилистик, функционал ва коммуникатив - прагматик табиати ташкил этади.

Изланишнинг ўрганиш объекти когнитив йўналишда концепт тушунчасини ўрганишдан иборат.

Изланишнинг материали: Когнитив тилшунослик ва концепт тушунчасига оид кўплаб илмий адабиётлар, бадиий адабиётлар, интернет янгиликлари, соҳа бўйича олиб

борилган илмий ишлар, илмий мақола ва қисқа ахборотлар билан танишиб, ўрганиб чиқиш изланиш учун материаллар ҳисобланади.

Изланишнинг методи: Ушбу мавзуни ёритишда шу кунларда кенг тарқалган қиёсий-типологик, зидлаш, узвий таҳлил, таснифлаш, трансформация, статистик ва бошқа методлардан фойдаланилади.

Изланишнинг методологик асоси: Мақсадни самарали амалга оширишда: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фан ва таълим ҳақидаги қарорлари, она тили ва она тили бўлмаган тилни қиёсий ўрганиш, иккинчидан, фундаментал тадқиқотлар, умумий тилшунослик ва қиёсий типология, хусусан Бодуэн де Куртенэ, А.М.Бушуй, А.Ҳожиев, Б.А. Серебренников, Н. Хомский, ўзбек олимлари Ш.Сафаров, Ў.К.Юсупов, А.Нурмонов, К.Ж.Жўраев ва бошқа кўплаб тилшунос олимларнинг соҳа бўйича яратган монографиялари ва диссертациялари тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади.

Изланишнинг илмий янгилиги: Тадқиқотда илк бор инглиз ва ўзбек тилларида "вақт" концептини ифодаловчи тил воситалари ўрганилади. Инглиз ва ўзбек тилларида "вақт"ни ифодаловчи тил воситаларининг ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатлари аниқланади..

Изланишнинг илмий ва амалий қиймати:

1. Тадқиқот натижалари когнитив йўналиш ва транслотология назарий масалаларини янада ривожланишига олиб келади;
2. Тиллараро таржимада учрайдиган қийинчиликларнинг илмий ечими таъминланади;
3. "вақт" концептини ифодаловчи тил воситаларининг морфологик ва лексик сатҳлари аниқланади.

- Тадқиқот жараёнида эришилган натижалар ва назарий хулосалар таълим, таҳсил ва таржима амалиётига татбиқ этилади.

Изланишнинг тузилиши ва ҳажми: Кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

БИРИНЧИ БОБ. ТИЛШУНОСЛИКДА КОНЦЕПТ ТУШУНЧАСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

XX-асрнинг 60-йилларида когнитив тилшунослик тилнинг семантик аспектига ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бу комплекс аспект инсон тили ва ментал (руҳий) фаолиятнинг ўзаро таъсири, яъни инсон тили ва билиш фаолиятини ўрганувчи фандир. Когнитив тилшуносликнинг асосчиси Америкалик лингвист ва психолог Ноам Хомский ҳисобланади. У билиш назариясига ижодий ёндашади ва когниция тушунчасини куйидаги уч асосий масалалар билан боғлайди:

1. Билишнинг табиати (билиш нимани ифодалайди)
2. Инсон онгида билимлар системасининг шаклланиши
3. Билимни маълумотлар банки шаклида компьютерда ва замонавий тадқиқот технологияларида қўллаш.

Замонавий тилшуносликда когнитив тилшунослик тилни тушунча нуктаи назаридан ўрганадиган соҳаси ҳисобланади. Бу тушунчалар аниқ бир тилда баъзан универсал, баъзан махсус холда бўлади. У бу томони билан семантикага ўхшаб кетади, лекин психолингвистикадан фарқ қилади. Когнитив тилшунослик учта асосий ҳолатни кузатиш билан характерланади. Олимларнинг аниқлашларича, когнитив тилшунослик маълумотларни трансформациялаш ва кодлашда асосий роль ўйнайдиган когнитив механизм сифатида ўрганилади. Замонавий когнитив тилшуносликнинг ва лингвокультурологиянинг асосий атамаларидан бири бу-концептдир. У инсоннинг тафаккур хусусиятлари ва қурилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар билан қизиқувчиларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Концепт табиати ҳақидаги турли қарашларни таҳлил қилар эканлар, олимлар аниқ бир хулосага келдилар: концепт – бу абстракт номлар тури эмас, халқ томонидан асрлар мобайнида тўпланиб келинган билим ва малакаларни, уларни ўрганиб чиқишнинг асосий ракурси. Охирги вақтларда Ўзбекистонда концептни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар сони ўсиб бормоқда.³ Замонавий тилшуносликда концепт табиатини тадқиқ қилиш биринчи даражали муҳим роль ўйнайди. Масала шундаки, концепт тушунчаси мавжуд, аммо, ҳозирги даврда ўз тадқиқини кутиб ётган муаммолар бисёр.

“Концепт”- атамаси тилшуносликда ҳам янги ҳам эски атама ҳисобланади. Ҳозирда тилшуносликда концепт тушунчасига жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. 1974 йиллар атрофида анъанавий тилшуносликда концепт атамаси ўзгача чуқур изоҳлар

³ Н.А.Тўхтаўжаева. Лексико-фразеологическая репрезентация концепта “happiness” “бахт” в английском и узбекском языках. Вестник. Челябинск. гос.универ. 2011.№ 28(243) Вып 59 Стр. 112-115

талаб қиладиган муаммо сифатида қараларди. Концепт тушунчасидан тўла ҳуқуқли фойдаланиш 80-йилларда инглиз авторлари Чейф, Р.Жакендоф, Г.Лакоф, Р.Лангаскерларнинг асарларини таржима қилиниши билан боғлиқ. Айнан ўша матнларда одатда концептуализация, концептуал моҳият атамалари учраб туради. Концепт тушунчасининг лўғавий маъноси устида кўпгина авторлар ҳар хил фикрларни билдиришади. Унга мантиқий категория, амалий фалсафа тушунчаси, миллий менталитетнинг асосий бирлиги сифатида қарайдиганлар ҳам бор. Когнитив атамалар лўғатида “концепт” атамасига қуйидагича таъриф беради: Концепт- бизнинг тафаккуримиздаги ақлий ва психик ресурсларининг инсон билим ва малакаларида акс этишига хизмат қиладиган тушунчадир. “Концепт” атамаси замонавий тилшуносликда у ёки бу лексик birlikнинг тафаккурдаги образини ифодалаш учун қўлланилади. Кундалик илмий ижодда тез-тез концепт атамаси тушунча билан синоним сифатида қўлланилади. “Концепт”- лотинча “conceptus” сўзидан олинган бўлиб, тушунча маъносини билдиради. Концепт тушунчалар йиғиндисиدير. Масалан, бирор предмет ҳақида айтилган ёки билдирилган ҳар қандай фикрлар йиғиндиси концептни ташкил этувчиларидир.

Когнитологиянинг таянч нуқтаси бўлган тилшуносликнинг когнитив кўриниш олиши нима билан боғлиқ ва унинг тадқиқот объекти, мақсади ва вазифалари нималардан иборат? Ҳар бир фан тарихида юксалиш, тараққиёт, ривожланиш даври бўлганидек, инқироз, таназзул босқичлари бўлиши ҳам муқаррар. Бундай ҳолатнинг юзага келиши ўз-ўзидан олимлардан ўрганилаётган объектга янгича нигоҳ билан қарашни, олдингиларидан фарқ қиладиган нуқтаи назардан ёндашувни талаб қилади. Табиийки, барча йўналишдаги лингвистик тадқиқотларнинг ўрганиш объекти ягона тил тизими ёки аниқроғи, лисоний фаолият ва унинг маҳсули. Аммо, уларнинг барчасида (систем-структур тилшунослик, психоллингвистика, социоллингвистика, матн тилшунослиги ва ҳ.к) асосий эътибор тайёр маҳсулот сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн кабиларнинг тузилиши ва таркибини, маълум ҳолларда маъно хусусиятларини ўргатишга қаратилган. Тайёр маҳсулот таҳлили билан қизиқаётган бу соҳалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик етарли даражада эмас. Бунинг устига баъзи ҳолларда тадқиқотчилар орасида бирор бир лингвистик ҳодисани қайси соҳа объекти бўлиши ҳақида, ёки умуман бу ҳодисалар қай даражада тил тизимига оид бўла олиши ҳақида мунозарали баҳс бормоқда. Асосиз тортишувлар ва натижасиз муҳокамалар фанда қандай оқибатларга олиб келиши маълум. Н.Чомскийнинг айтишича “Бу, ҳатто, тил тизими ҳам аниқ ва ажратилган тадқиқот объекти бўла олмайди” Юқоридагилар мана шундай фикрлар туғилишига сабаб бўлиши мумкин. “Гап тил бирлигими ёки нутқ тизимига оидми?” “Анафора фақатгина матн

таркибида юзага келадиган ходисами ёки уни гап грамматикаси ўрганилаётганда ҳам инобатга олиш лозимми?” қабилидаги бефойда, назарий хатоликларга сабаб бўлувчи мунозаралар билан машғул бўлиш ўрнига юқорида айтилган соҳалар ўртасидаги туташ нуқталарни излаш лозим. Соҳалар ўртасидаги ҳамкорлик натижасида объектнинг, умуман, воқеъликнинг янги қирраларини, илгари кўз илғамаган хусусиятларини сезиш мумкин. Бу эса фанда мажмуавий муаммо ва вазифаларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мажмуавий муаммо соҳалараро ёндашувни талаб қилади. Файласуфларнинг эътироф этишларича, “ агарда объектнинг алоҳида хусусиятини тасвирлаш ва ўрганиш лозим бўлса, бунга якка бир фан соҳасининг имконияти етарлидир”. Объектнинг ўзгариши, бошқа кўриниш олиши ҳақида гап кетганда эса, мажмуавий (комплекс) ёндашув зарур бўлади. Чунки объектнинг бошқа томонлари, хусусиятларини ҳам ўрганиш эҳтиёжи туғилади.⁴ Бинобарин, гап таркибидаги бўлақлар тартибини аниқлаш учун синтактик таҳлилнинг ўзи етарли. Гап тузилишидаги ҳар қандай ўзгаришлар (эллипсис, инверция ва бошқа шаклан ўзгаришлар) ва маъно кўчишларининг (синтактик полисемия, омонимия кабилар) турлари, уларни юзага келиш сабабларини ёритиш мақсадидаги таҳлил, сўзсиз, матн синтаксиси ва прагматикаси даражасига кўтарилади. Бундай таҳлил тилшунослик соҳаларининг ҳамкорлиги натижасидир.

Тил тизими ва лисоний фаолиятни ҳар томонлама тадқиқ қилиш, уларга хос ходисаларнинг белги ва хусусиятларини бириктирадиган, уларнинг барчаси учун бир хилда таянч нуқтаси вазифасини ўтайдиган умумлашган таҳлил тизимини топиш лозимлиги олимлар томонидан кўп бор таъкидланган эди.⁵ Тил ходисаларига асосли ва айни пайтда, ҳолисона изоҳ бериш имконини яратадиган бундай таҳлил услуби тизимини излаш ҳаракати ҳозиргача давом этмоқда. Муаммо долзарб, аммо, умумлашган таҳлил тизимини таъминловчи “таянч” ғояни топиш фан ривожини учун муҳим.

Кейинги йилларда тилшунослар бундай “таянч” ни когнитология (cognitive science-тафаккур ҳақидаги фан) дан топгандай бўлишмоқда. Сўзсиз, лингвистик таҳлил-когнитив таҳлилнинг бир тури, унинг маълум бир кўринишда номоён бўлишидир. Ўшанда, XIX аср охирларидаёқ тилшуносликнинг психологик ва социологик руҳда бўлишини қайд қилган Бодуэн де Куртенэ “тилда руҳий ва ижтимоий факторлар ҳаракатда бўлиши сабабли, тилшунослик учун ёрдамчи фан сифатида, дастлабки ўринда,

⁴ Кочергин А.Н. Взаимодействие наук как комплексная проблема. В кн.: Взаимодействие наук как фактор их развития. – Новосибирск: Наука, 1988. – с. 5-20.

⁵Бодуэн де Куртенэ И.А. О задачах языкознания. В кн.: Избранные труды по общему языкознанию. М.: Изд-во АН СССР, 1963. Т.1 –с.203-222 Sapir E. The status of linguistics as a science. In: Selected writings of Edward Sapir in language, culture and personality. Berkley: Univ. of California Press, 1968.-p.160-166.

психологияни ва сўнгра инсонларнинг жамиятдаги мулоқот, муносабатлари ҳақидаги фан социологияни танлаймиз” деб ёзганлигини эслаймиз.⁶

Фанлар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гапирганда, уларнинг бирини иккинчисига ёрдамчи деб қараш унчалик тўғри келмайди. Акс ҳолда, фанлар ҳамкорлиги асосида юзага келадиган йўналишларни алоҳида соҳа сифатида ажратиш мумкин бўлмас эди. Тилшунослик, психология, социология, маданиятшунослик каби соҳалар ҳамкорлиги когнитив фаолият асосида ифодаланувчи ҳодисадир. Когнитив тилшунослик ҳам инсоннинг билиш фаолияти билан шуғулланувчи фанлар таркибига киради.

Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча *cognitive*- “билишга оид” сўзи билан боғлиқ. (Қиёсланг: *cognize*- билмоқ, англамоқ, тушинмоқ. *cognition*- билиш, тушиниш). Маълумки, дунёни, воқеъликни билиш, уни идрок этиш оддий ҳодиса эмас. Айрим ҳолларда билишни тўғридан-тўғри фаҳмлаш, тушиниш ҳаракатлари билан боғлаб қўйишади. Аммо, ҳайвонларга ҳам қисман(оддий шаклда бўлса ҳам) фаҳмлаш, тушиниш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш қобилияти хос эканлиги маълум. Шу сабабли билиш фаолияти ҳақида гап кетганда фақатгина *cogitation*- лотинча ақл, тафаккур ҳодисасини тасаввур қилиш билан чекланмасдан, балки, *cogitorium* –тафаккур фаолияти шахсини ҳамда бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча турдаги номентал(ижтимоий, маданий, лисоний) ҳодисаларни ҳам инобатга олиш керак бўлади. Шунини унутмаслик лозимки, тафаккурнинг ўзи инсоннинг мақсадли фаолиятинатижасида ҳосил бўлиб, у инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида воқеъликка нисбатан билдирилаётган фаол муносабатнинг ифода топишидир.

Тафаккур фаолияти жараёнида юзага келтирадиган билим турли кўриниш ва хусусиятга эга бўлади. Бу фарқ дастлабки ўринда билимнинг қай йўсинда ва қай мақсадда ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Воқеълик ҳақидаги оддий кундалик билим тажриба натижасидир. Билим маданий ҳодиса сифатида талқин қилинганда, бу шаклдаги билимнинг маълум ижтимоий гуруҳ маданияти учун хос бўлган меъёрларга қанчалик даражада мос келиши назарда тутилади. Лисоний билим иккинчи турга оид, чунки тил миллатнинг маданий бойлишидир. Бу билим инсоннинг онгли фаолият заминида шаклланади ва бу фаолият амалга ошишида муҳим роль ўйнайди. Айнан, лисоний билим лингвокогнитив таҳлил сифатида танланиши ҳам бежиз эмас.

Шубҳасиз, билим-инсон хотирасида сақланган (ҳеч бўлмаса из қолдирган) тизимлаштирилган маълумотлар тўпламидир. Аммо, бу тўпламнинг қандай таркиб топиши ундан фойдаланиш механизмини ўрганиш етарли даражада мушкул вазифа.

⁶ Бодуэн де Куртенэ И.А. О задачах языкознания. В кн.: Избранная труды по общему языкознанию. М.: Изд-во АН СССР, 1963. Т.1 –217-бет

Америка беҳейвористлари инсон билимлари дунёсини “қор кути”-яъни, “ўқилиши мушкул бўлган манба” деб таърифлашади. Чунки, билим жамланишини таъминловчи воситаларнинг иш тартибини бевосита кузатишнинг имкони йўқ.⁷

Тўғри, инсоннинг билиш қобилиятининг асослари, айниқса, мия ярим шарлари фаолияти билан боғлиқ томонларини ўрганиш борасидаги изланишлар давом этмоқда. Психоллингвистлар ва (4) нутқий фаолият ижроси ва унинг қабул қилинишини (аниқроғи, идрок этилиши) таъминловчи мия қисмлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги маълумотларни тўплашган бўлса-да, ушбу нейрофизиологик тизимини ўзи хануз сирлигича қолмоқда. Олимлар мия чап ярим шари нутқий маълумотни қабул қилувчи ва узатувчи худудлар (бу худудлар нейрофизиологлар Брака ва Вернике номлари билан аталади) ўзаро мураккаб муносабатда эканлигини доимо уқдиришади.⁸ Лекин, бу муносабатлар юзага келади-ю, уларнинг замирида нима туриши тўғрисидаги фикрлар у қадар аниқ эмас. Балки, нейрофизиологик тузилмаларнинг вазифалари ва уларни ҳаракатлантирувчи механизмларнинг иш фаолиятини аниқлаш учун дастлаб, лисоний фаолиятнинг когнитив тизимини батафсил ўрганиш лозимдир. Бу эҳтимолнинг ҳақиқатга ўта яқинлиги когнитив тилшунослик тараққиёти жараёнида ўз исботини топмоқда.

Билим олиш ва сақлаш, уни амалда қўллаш ва узатиш (5) ва ниҳоят, уни шакллантирувчи восита бўлган тилтизими когнитив таҳлил объекти эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бироқ, бундай шубҳа бир пайтлар айрим тилшунослар томонидан билдирилганлигини ҳам эслаймиз. Жумладан, генератив тилшунослик ғояларининг фаол тарғиботчилариданбири Ж. Кац тил ҳеч қандай антологияга эга бўлмаган мавҳум ходиса эканлиги учун тилшунослик фани ҳам мавҳум предмет билан машғул бўлишини уқдиришга ҳаракат қилган эди.⁹ Унинг фикрича, тилшунослар сўзловчиларнинг ўз тили ҳақидаги билими билан улар биладиган тиллар ўртасидаги катта фарқ мавжудлигини англамоқлари зарур.¹⁰

Нутқий бирликларни жисман кузатиш ва ҳис этиш мумкин. Шу сабабли, улар ҳақидаги ҳар қандай билим антологик хусусиятга эга бўлган предмет-ходиса ҳақидаги билимдир. Аслини олганда, билим тилга нисбатан анча мавҳум, чунки уни жисман кузатиб бўлмайди. Билимнинг мавжудлиги тилнинг мавжудлигидан. Тилнинг ўзи эса когнитив тизимнинг фаолияти маҳсулидир, лисоний таркиблар тафаккур натижасида шаклланади.

⁷ Schnelle H. Introspection and the description of language use. In: A festschrift for native speaker. The Hague: Mouton, 1981.-p 105-126.

⁸ Иванов В.Вс. Четные и нечетные ассиметрия мозга и знаковых систем. –М.:Советское радио, 1978. -184 с.

⁹ Katz J. Language and other abstract objects. Oxford: Blackwell, 1981.

¹⁰ Katz J. An outline of platonist grammar. In: Talking minds, Cambridge: MIT - Press, 1984.-p.34

Бихейвиористик психологлар ўзларининг қатъий позитивистик назарий қарашлари билан энг юкори чўққига чиқдилар. 1967 йили У Найссер янги тадқиқотга когнитив психологияга асос солди. Бу фан маълумотларни қабул қилиш, хотирага олиш ва уларни амалда қўллаш масалаларини ўрганади. Лисоний ҳодисаларнинг билим, тафаккур, хотира ва мия кабилар билан муносабати масаласи талқинида бехейвористлар нуқтаи назаридан ёндашув қандай салбий натижаларга олиб келиши барчага маълум. Психолог Б. Скиннернинг 1957 йилда нашр этилган “Verbal behavior” “Лисоний ҳаракат ” китобида билдирилган фикрлар кўпгина тадқиқотчиларга дастлаб эътиборлидек туюлди. Улар лисоний ҳатти-ҳаракатни ҳар қандай бошқа ҳаракатдан фарқи йўқ ҳодиса сифатида ўрганиш ғоясини илгари суришди. Бундай ғоянинг илмий жиҳатдан нотўғри эканлиги кейинчаликолимлар томонидан тўлиғича исботланди. Б.Скиннернинг рисоласи чоп этилганидан икки йил ўтмасданок Н.Чомский батафсил тақриз эълон қилиб (Chomsky 1959) бехейворизмнинг қанчалик асоссиз эканини исботлашга уринди. Дарҳақиқат, лисоний фаолият фақатгина инсонга хос фаолиятдир, ҳамда у яна бир инсонга хос бойлик-тафаккур билан бевосита боғлиқдир.

Воқеъликни мияда акс этиши фақатгина нутқий тафаккур ҳаракати натижасида юзага келмаслигини исботлаш мақсадида Б.А.Серебренников тафаккурнинг лисоний ва нолисоний турларини фарқлашни таклиф қилган.¹¹ Булар қуйидагилар:

- аниқ тафаккур- аниқ, конкрет муҳитда юзага келадиган воқеъликнинг умумлаштирилган образи (акси):
- расмий тафаккур- хотирада мавжуд бўлган бутун бир воқеълик ёки предмет-ҳодисаларни алоҳида бир муҳитга, шароитга боғлиқ бўлган ҳолда қайта эслаш:
- амалий тафаккур- бевосита мақсадли ҳаракатлар билан боғлиқ фикр:
- лингвокреатив ёки лисонни шакллантирувчи тафаккур, яъни бу турдаги тафаккур ҳаракатлари бевосита тил тизими иборалари билан боғлиқ:
- лисоний тушунча тафаккури- бу турдаги тафаккурнинг алоҳида ажратилиши, воқеълик ҳақидаги тушунчанинг пайдо бўлиши нутқий ҳаракатдан олдинги босқичга оидлиги билан боғлиқдир.

Тафаккур қайси ҳолатда ва қандай кўринишда ҳаракатга ўтмасин, ягона бир вазифани бажаради.У воқеълик ҳақидаги ахборотлар қабул қилиш, тўплаш, қайта ишлаш ва тартибга солиш усулидир.Бу усул воситасида ҳосил бўладиган ғоя ёки фикр воқеъликнинг унда акс этиш шаклидир.Тафаккурнинг ҳаракатланиши ва фикрнинг шаклланиши воқеъликнинг бевосита онгда акс этишини таъминловчи жараён билиш

¹¹ Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлениям языка. М.: Наука. 1983. -103-110-бетлар

фаолияти билан боғлиқ. Тилнинг билиш фаолиятидаги ўрни алоҳида, у воқеъликни идрок этиш ва билиш (фаолиятдаги ўрни алоҳида) воситаси-куролидир.

“Тил –нафақат мулоқот куроли, балки фикр ва ғояни шакллантирувчи ҳамда уни ифодаловчи куролдир” деб ёзган эди С.Д.Кацнелсон.¹² Тилнинг тафаккур фаолиятидаги ролини билиш учун онг ва тилнинг муносабатидаги оддий бир ҳол (ходиса) сифатида қарамаслик лозим. Бу муносабат икки мустақил ҳодисанинг ўзаро “мулоқот” идир. Худди шу “мулоқот” ментал фаолиятнинг лисонийлашувига олиб келади. Зеро, лисоний ва мантиқий фаолиятлар бир-бирига ҳамроҳ бўлиб улар ягона нутқий тафаккур жараёнини ташкил этади.

Демак, тил онгни шакллантирувчи воситалардан биридир. У онгда энг оддий бирламчи (элементар) тафаккур категориялари пайдо бўлишини таъминлайди. Ушбу категорияларсиз “ алоҳида нутқий тузилмалар гапларни тушиниш ва фикр (ғоя) нинг шаклланиши ҳамда шу йўсинда билимнинг фаоллашувини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.”¹³

Қай даражада эканлигидан қатъий назар тил ва тафаккур муносабати фалсафа, тилшунослик, психологик фанлар доирасида анча батафсил муҳокама қилишини когнитив тилшунослик тараққиёти учун мустаҳкам таъмин яратди. Лемяньковнинг фикрларига кўра когнитив тилшунослик маъмурий тадқиқот йўналиши, соҳасидир. Шундай экан, когнитив тилшуносликка лисоний қобилиятини таркиб топишини тушунтирувчи фан сифатида қараш бежиз эмас. Бу соҳанинг асосий вазифасини инсон томонидан тилни ўзлаштириш механизмлари ҳамда бу механизмларнинг таркибини “системавий тасвирлаш ва тушинтиришдан иборат” деб таърифлаши бундан гувоҳлик беради.

Ҳақиқатдан, когнитив таҳлилда оламни билиш жараёнида юзага келадиган мантиқий (ментал) структураларнинг лисоний ифода топишини таъминловчи механизмлар қамровидаги услуб ва воситалар тадқиқи асосий ўринга кўчади.

Воқеъликдаги предмет ва ҳодисаларни билиш, идрок қилиш қатор мантиқий руҳий ҳаракатларни ўз ичига олган мантиқий фаолиятдир. Бу фаолиятнинг дастлабки босқичини, албатта, маълум бир объектни бошқа объектлар қаторидан ажратиш ҳаракати ташкил қилади. Бир объектни бошқасидан ажратиш учун унинг фарқловчи белгиларини топишни лозим, кейинги босқичда эса фарқловчи белгиларининг чоғиштирилиши асосида объектнинг ҳиссий рамзи юзага келади. Ниҳоят, воқеъликни билишнинг муҳим

¹² Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. –Л.: Наука, 1972. 110-бет

¹³ Кацнельсон С.Д. Категории языка и явления. Из научного наследия. Москва: Языки славянской культура. 2001, 480-бет

босқичи умумлаштириш харакати амалга ошади.¹⁴ Санаб ўтилган ментал харакатлар когнитив структураларни (тафаккур фаолияти қисмларини) ташкил қилиб, объект ҳақидаги тушунчанинг шаклланишини таъминлайди.

Тушунча – ментал тузилма, у ақлий фаолиятнинг ўзига хос шакли (тур) дир. Тушунча қандайдир бир синфга кирувчи предметларни умумлаштириш ва ушбу синфни унга кирувчи предметларнинг умумий ва фарқловчи белгилари мажмуасига нисбатан ажратувчи мантиқий фаолият натижасида ҳосил бўлади.¹⁵

Мантиқий фаолият ҳосиласи бўлган “тушунча” ва когнитив тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилаётган “концепт” атамалари ҳам тафаккур бирлиги сифатида номоён бўлади. Буларнинг иккисининг ҳам бошланғич нуқтаси воқеъликдаги предмет-ходисанинг ҳис қилиниши ва образли тасаввур қилиниши билан боғлиқ. Пайдо бўлган ҳиссий образ, дастлаб, ҳар бир шахсда алоҳида, индивидуал кўринишда бўлади. Масалан, “гул” бир киши учун “атиргул” бўлса, бошқа бирор киши учун эса “райҳон”. Ҳиссиёт ва тафаккур фаолиятининг юқори босқичларида индивидуал образ аниқ предметдан узоклашиб боради ва асл мантиқий “ақлий” ҳодисага айланади. Воқеъликнинг бундай ҳис ва тафаккур этилиши, умумлашагн ва қисман мавҳумлашган образнинг юзага келиши барча учун бир хил код-рамзий белги ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Бу хилда пайдо бўладиган мантиқий тузилмани психолог Н.И. Жинкин “универсал предмет коди-УПК” деб аташни таклиф қилади. Олим бу ҳодисанинг юзага келишини инсон миясининг ирсий ва наслий хусусиятлари қаторига киритади. Унинг фикрича ақлий қобилият тушунча, ҳукми яратади, воқеъликни тасвирлаш ва инсон фаолияти сабабини кўрсатиш учун турли хулоса ва мулоҳазаларга келади. Бу мантиқий ҳаракатларнинг бажарилиши шахснинг қайси тил соҳиби эканлигига боғлиқ эмас. Худди шунинг учун ҳам интеллект (ақл) умумий бошқарув функциясини ижро этади, бу универсал предмет коди кўринишидаги кодлаштиришдир.¹⁶

Шундай қилиб, тушунча ва ҳукмнинг ҳосил бўлиши ақлий фаолиятнинг турли босқичларига оиддир. Кўпчилик ҳукмнинг бирламчи эканлигини эътироф этишади. Кўпчилик, ҳақиқатдан ҳам, мантиқий субъект ва предикат бирикишидан ҳосил бўладиган хар қандай оддий ҳукм (Масалан: қор ёғмоқда) предмет образларининг ўзаро муносабатдалиги, боғланишдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади. Концептнинг шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, лисоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугайди. Таниқли файлсуф ва

¹⁴ Горский Д.П. Обобщение и познание. –М.: Мысль, 1985. -208 с.

¹⁵ Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. –М.: Изд-во МГУ, 1989. -91-бет

¹⁶ Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. –М.: Наука, 1982: 88-бет

психолог Ж.Фодор воқеъликнинг онгда инъикос этиши ва бу инъикоснинг тафаккурда кайта ишланиши жараёнини ўрганаётиб, бу жараённи тафаккур лисонига ўхшатади. Чунки “ ҳар қандай мантиқий тасаввур ҳаракати маълум кўринишдаги структурага эга бўлади, ҳамда бу структура табиий тил бирлигининг синтактик шакли такрорига ишорадир”.¹⁷

Концепт – ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир.¹⁸ Концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади, улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Одатда, концептнинг умумий хусусиятлари сифатида унинг ички тузилишижиҳатидан аниқ тузилишга эга эмаслиги қайд қилинади. Бироқ бу қайд унчалик ҳақиқатга эга эмас. Зеро, концептнинг асосини ташкил қилувчи предмет образи етарлича аниқ ва иккиламчи ўринни эгаллаган бўлаклари мавҳумликка эга бўлиши билан биргаликда, улар ягона негиз (ядровий асос) атрофида ўзаро муносабатга киришиб бирикадилар. Шу сабабли, концепт таркибининг тизимий хусусиятлари тузулиш жиҳатдан мураккаб тартибли бўлишида ва бир бутун ментал тузилма сифатида идрок қилинишида номоён бўлади. Америкалик когнитивистлар концептуал семантиканинг кейинги ривожда тилшуносликдаги умумназарий қарашларга янгича ёндашишни таклиф қилдилар ва бу қарашлар маънони чуқурроқ англашга имкон беради.

Агар маъно “концепт” шаклида тушунтирилса, айнан, Лангакер ҳам бу қарашларга қўшилган ҳолда, шуни таъкидлайдики, “концепт” инсон тафаккуридаги билимлар билан бир хил жойлашган бўлиши мумкин.

¹⁷ Fodor J. The Language of Thought.-Sussex, 1975, 110-бет

¹⁸ Кубрякова Е.С., Панкрац Ю.Г. Падежная грамматика. В кн. Современные зарубежные грамматические теории. М.: ИНИОН. 1985. –90-бет

ИККИНЧИ БОБ.

Инглиз ва ўзбек тилида “Вақт” концепти таржимаси муаммолари

2.1. “Вақт” концепти ва унинг таржима муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари

Республикаимиз мустақилликка эришгач, унинг бошқа мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар муносабатлари мислсиз ўсди, бу эса ўз навбатида фуқароларимизнинг хорижий тилларни ўрганишга қизиқишини кучайтириб юборди. Фуқароларимизни хорижий тилга ўргатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мана шундай вазиятда чет тилига ўргатишнинг лингводидактик асоси бўлмиш чоғиштира тилшуносликнинг ахамияти янада ортди. Тилшуносликнинг бу соҳасини ривожланишига юртимиз олимларининг хиссаси катта бўлди. (Бу ҳақида қаранг: У.К.Юсупов 2007).

Худди шундай фикрни таржимашунослик ҳақида ҳам айтиш мумкин. Мамлакатимиз учун билимдон таржимонларга эҳтиёж қатор олий юртларимизда таржимонлик факультетларини очилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда таржимонларимиз хорижий тилдаги матнларни туғридан-туғри она тилимизга ва она тилимиздан хорижий тилга таржима қилмоқдалар.

Таржима хоҳ ёзма бўлсин, хоҳ оғзаки бўлсин, миллатлар ва халқлар ўртасидаги муҳим алоқа воситаси ролини бажариб келмоқда. Дунёда глобаллашув жараёни кечаётган шу кунда таржиманинг нафақат амалий, балки назарий ахамияти ҳам янада ортиб бормоқда. Хар қандай таржиманинг асосий вазифаси асл тилда сўзловчи ёки ёзувчи томонидан билдирилган коммуникатив мақсадни ўзга таржима тилида тўла ва аниқ ифода этишдан иборат.

Таржимада “мукамаллик” атамаси кўп тилга олинади. Лекин, унинг аксарият мутахассислар томонидан эътироф этилган, таржиманинг барча турларига хос универсал таъриф ёки қолипи мавжуд эмас. “Мукамаллик” назаримизда нисбийлик хусусиятига эга. У ёки бу асар (матн) таржимасига бир пайтни ўзида ёки турли даврларда бир нечта таржимон қайта қўл уриши мумкин. Ушбу жараёнда таржима асари сайқалланиб, такомиллашиб борди. Таржиманинг аниқ ва мукамал бўлишида таржима тилининг грамматик қурилиши, унда мувофиқ тил бирликларининг мавжуд эканлиги ёки эмаслиги, тилнинг объектив борлиқни ифода эта олиш имкониятларининг миқёси бир хил эканлиги ёхуд бир хил эмаслиги каби омиллар қаторида таржимоннинг маҳорати катта роль ўйнайди. Шу маънода, таржимон нафақат аслият, таржима тилларининг грамматик қурилиши, лексик бойлиги, балки ўша тилларда гапирувчи халқлар тарихи, урф-одатлари, анъаналари, тил бирликларининг функционал жиҳатлари кабилар ҳақида ҳам мукамал билимларга эга бўлиши керак.

Таржима жараёнини осон ва қийин кечишида тилларнинг қариндошлиги ёки қариндош эмаслиги, типологик жиҳатдан бир ёки бошқа-бошқа тил тизимларига мансублиги ҳам катта роль ўйнайди. Аналитик қурилишга эга бўлган француз, испан, каби тилларнинг грамматикаси ва грамматик қурилишида ўхшаш томонларнинг кўплиги таржима жараёнини осонлаштирилса, агглютинатив тилларга мансуб Ҳозирги замон ўзбек тилида ва аналитик қурилишга эга бўлган Ҳозирги замон инглиз тили асосида амалга ошириладиган таржималарда бу жараён қийинроқ кечиши мумкин.

Юқоридагиларда сабаб бўлувчи лисоний ва нолисоний омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Таржима жараёнига жалб этилган тилларда гаплар турли қолиплар асосида ноўхшаш сўз тартибида ясалиши;
2. Гаплар таркибига кирган сўзлараро муносабатларнинг ўхшаш эмаслиги. Масалан, ўзбек тилида келишик категорияси яхши ривожлангани холда, инглиз тилида келишиклар сонининг камлиги. Бу холда инглиз тилининг ифода воситаларига камбағал деб ҳисоблашга асос бўла олмайди. Чунки инглиз тилида ўзбек ва бошқа тиллардаги келишиклар маънолари предлоглар орқали ўз ифодасини топади;
3. Асл ва таржима тилларда мавжуд имо – ишора, хис-хаяжонни ифодаловчи воситалар, мақол ва фразеологизмлар ҳақида етарли билим ва тасавурларга эга бўлмаслик. Масалан: Оҳ! Эҳ! Паш! Oh, Good Gracious, Good heavens! Ouch! When pigs fly!, Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига, to shake one's head, to nod кабилар.

Назаримизда, расмий ҳужжатлар, нутқлар ва илм-фан соҳаларга оид мақола, рисола, матбуот хабарларида таржиманинг аниқ бўлишига талаб кучли бўлса, бадий таржимада коммуникатив интенцияни ифода этишда нисбатан эркинлик мавжуд бўлади. Аслиймонанд таржимага эришиш учун таржимашунослик ва чоғиштира тилшунослик билимларини пухта эгаллаш керак. Чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик бир-бирларига жуда яқин бўлса ҳам, улар ўртасида фарқлар бор. Бу фарқлар қуйидагилар:

1. Чоғиштира тилшуносликни асосан тиллараро ўхшашликлар ва фарқлар таржимашуносликни матнлараро эквивалентлар қизиқтиради.

2. Таржимашунослик тил бирликларининг таксономияга бефарқ қарайди. Масалан, инглизча stone wall суз бирикмасидаги stone сўзи сифатми ёки отми бу муаммони таржимашунослик учун ахамияти йўқ, аммо унинг рус тилига каменная сўзига муқобил бўлиши эса ахамиятлидир.

3.Таржима қилиш процессининг механизмини аниқлаш таржимашуносликнинг вазифасидир.

4.Таржимашуносликда фақат маъноси бўлган бирликларгина киёсланади, чоғиштирма тилшуносликда эса ҳам маъноси бўлган ҳам маъноси бўлмаган бирликлар киёсланади.

5.Чоғиштирма тилшуносликни лисоний муқобиллар, таржимашуносликни эса асосан нутқий (матн) муқобиллар қизиқтиради.

6.Чоғиштирма тилшунослик асосан мавхум маънолар билан таржимашунослик конкрет маънолар билан иш кўради.

7. Таржимашуносликни икки тил бирликлари ўртасидаги ўхшашликларни фарқларнинг сабаби қизиқтирмайди.

8.Таржимашуносликда тиллараро муқобиллар таржима тилида кидирилади, чоғиштирма тилшуносликда эса улар аввал она тилида, кейин хорижий тилда кидирилади, яъни муқобиллар кидириш икки томонлама бўлади.

9.Чоғиштирма тилшунослик ҳам, таржимашунослик ҳам ўз вазифаларини, йўналишларига, тадқиқот методларига, тамойилларига эга.

Бу фарқларга қарамай, бу икки фан бир-бирини тўлдириб. ҳамкорликда бўлади бу хақида машхур рус таржимоншуноси А.Д.Швейцер бундай деб ёзади: "...при профессиональной подготовке переводчиков на переводческих факультетах и отделениях наших языковых вузов целесообразно включать, в программу курсы контрастишью грамматики, лексикологии и стилистики. Желательно, чтобы этот курс предшествовал курсу теории перевода и чтобы между ними была тесная преемственная связь».¹⁹

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда концептларни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Биз ушбу битирув малакавий ишимизда таҳлил қилиш мақсадида, инглиз ва ўзбек тилларидаги “Вақт” (*time/period*) концептини танлаб олдик. Ушбу концептни биз қиёсий тилшунослик нуқтаи назаридан бирини иккинчисига қиёслаш, умумий фикрлар бериш, интеграл ва дифференциал хусусиятларини белгилаш мақсадида илмий томондан ёритиб беришга қарор қилдик. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, бу тушунча нафақат бу икки халқ, қолаверса, дунёдаги барча халқлар тафаккурида асосий ўрин эгаллаб турган тушунчалардан бири ҳисобланади. “вақт\time” сўзи ҳар хил тилларда турлича жаранглайди.

Ҳар бир тилда у ўзининг синонимик қаторига эга. Бу тушунча иккала тилда ҳам катта мунозараларга асос бўлмайди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги “вақт\ time” концепти бу иккала тил учун умумқабул қилинган ҳолат сифатида хулоса чиқаришимизга

¹⁹ А Д Швейцер 1987 167 б

тўсқинлик қилмайди. Уни биз ҳам умумий ҳам махсус аспект сифатида универсал, миллий специфик ва менталитет нуқтаи назаридан ўрганишимиз мумкин.

Маълумки, барча воқеа-ходисалар аниқ макон ва замонда кечади, аммо инсон тажрибасида унинг лисоний фаолиятида марказий ўринни эгаллайдиган ушбу концептлар мохиятига бўлган муносабат бир хил эмас.

Масалан, Америка, Швейцария, Италия, Япония каби мамлакатларда «вақт (замон)» тушунчасининг мохияти турлича талқин қилинади. Америкада (хамма нарса бойлик орттиришга қаратилган жамиятда) вақт-кимматбаҳо товар, фойда олиш илинжида булсангиз, шошилинг, вақт орқасидан қувинг. Америкалик учун ўтган замон йўқ, Ҳозирги замонга илиниб қолиш мумкин, асосий умид келгуси замонга (келгусида «вақт» товаридан кўпроқ, фойда олиш мумкин). Шунга нисбатан америкаликларнинг идрокида «вақт» концептининг шакли узунчоқ, чизикли кўринишга эга ва бу чизик, қисмлар давомлилигидан иборатдир:



Ўтган замон Ҳозирги замон Келаси замон

Вақт инглизлар, олмонлар, скандинав халқлари наздида ҳам чизикли кўринишда давом этади. Улар бир пайтнинг ўзида бир неча юмуш билан шуғулланишни ёқтирмайдилар, бир вақт оралиғида биргина иш билан машғул бўлиб, уни битказгандан сўнг навбатдагисига ўтишни маъқул кўрадилар. Шу сабабли ҳам уларнинг забонида замон категорияси турли вақт оралиқларини ифодаловчи шаклларга бой бўлса керак.

Туркийзабон миллатларда ва кўпгина шарқ, халқларида вақт идроки тамоман ўзгача. Бу маданиятларда вақтнинг кечиши одамлар ва воқеалар билан боғлиқ эмас, у — даврий ҳаракатда. Одамлар ўз фаолиятларида ушбу даврийлик аксини кўрадилар ва унга мослашади. Вақт айланма халқа атрофида ҳаракатланганидек, инсон фаолияти ҳам (табиат, борлиқдаги воқеалар каби) бир босқичдан иккинчисига ўтиб, давра атрофида кечаверади. Шарқликлар ғарбликлардан фарқли равишда, ҳар бир ҳаракатга киришишдан олдин узоқ, мулоҳаза юритишга тайёрдирлар ҳар бир қадам олдинги даврга нисбатан қўйилади.

«Вақт» тушунчасини даврий кўринишда идрок этувчи миллатлар ўтган ва келаси замонларни идрок қилишда ғарбликлардан тубдан фарқ қиладилар. Вақтни узунчоқ (орқага қайтмайдиган) чизик кўринишида тасаввур қиладиган маданият вакиллари ўтган замонга орқада қолган Ходиса сифатида қараб, келажакни «пешона»да турган умидбахш ходиса деб қабул қиладилар. Шарқ маданиятининг асосий қисмида ўтган замон, аксинча,

доимо куз олдидаги даврдир, у кўриниб турганлиги учун ҳам биз бу давр таъсиридамиз, ундан сабоқ оламиз. Мадагаскарда яшовчи элатларда бирор бир фаолиятни бажаришдан олдин вақтни ҳеч қандай аямасдан ўз аждодлари суякларини қазиб олиб, улар билан маслахатлашиб олиш одати бор экан. Келаси замон эса, аксинча, худди уларни орқадан қувиб келиб, атрофда айланиб, кейин яна орқага (ўтмишга) қайтадиган даврдек тасаввур қилинади.

«Вақт» тушунчасининг бу тарзда турлича идрок этилиши мулоқотнинг кечишида, унинг миллий-маданий нормаларида ўз аксини топмай қолмайди. Айнан шу ақидаларнинг таъсирида Шарқда мулоқот матни кўпроқ ритуалликка, маросимий тусга мойилроқ. Италиянлар, испанлар ва бошқа айрим европаликлар учрашув ва мулоқотда асосий эътиборни эмоционалликка, кутилмаганда ижро этиладиган ҳаракатларга қаратадилар, янонлар, корейсларлар қандай тадбирни босқичма-босқич, ҳар бир босқич бошланиши ва тугалланишини аниқ чегаралаш, бу чегарани шаклан белгилашга уринганлар.

Юқорида келтирилган «вақт» концептининг турли маданиятлар вакиллари идрокидаги фарқлари ушбу концептининг грамматикалашуви жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Масалан, туркийзабон халқларда ўтмишдан сабоқ олиш, аждодлар тажрибасига таяниш, маънавий қадриятларга эҳтиром ниҳоятда кучли. Шунинг учун ҳам туркий тиллар грамматик тизимида ўтган замонни ифодаловчи феъл шакллари микдор жихатидан Ҳозирги ва келаси замон шаклларида кўпроқ.

Ўзбек тили грамматикасига оид қўлланмаларда замон категориясини ифодаловчи шакллар қуйидагича тавсифланади:

1) Ўтган замон:

а) яқин ўтган замон феъли (борди, куйлади);

б) узоқ ўтган замон феъли (борган эди, куйлаган эди);

в) ўтган замон хикоя феъли (бориб эди, куйлаб эди);

г) ўтган замон давом феъли (борар эди, куйлар эди);

д) ўтган замон мақсад феъли (бормоқчи эди, куйламоқчи эди).

2) Ҳозирги замон:

а) Ҳозирги замон давом феъли (борапти, куйламоқда, бораётир);

б) Ҳозирги-келаси замон феъли (боради, куйлайди).

3) Келаси замон:

а) Келаси замон гумон феъли (борарман, куйларсан);

б) Келаси замон мақсад феъли (бормоқчиман, куйламоқчи).

Ўзбек тили грамматик тизимида мавжуд бўлган ўтган замон формаларининг маъно ва грамматик хусусиятлари беқиёс, улар мулоқот жараёнида турли вазифаларни бажарадилар (қаранг: ўзбек тили грамматикаси 1975: 478-498). Келаси змаон шакллари эса кам микдорда, улар бажарадиган вазифалар доираси ҳам чекланган. Бизда ўтмишдан ибрат олиб, hozirга эътибор қаратилади. Шу сабабли бўлса керакки, келаси замон шакллари ифодалайдиган ҳаракатлар мазмунан «шартли» ёки «гумонли».

Ўзбек тили феъл тизимининг билимдони А.Хожиев таъкидлаганидек, «(Балки) эртага келар» деганда, «Харакатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигини ҳақиқатда ҳам сўзловчининг билмаслиги ифодаланади» ёки «Бир оз ўтириб борарсиз» деганда «сўзловчининг ҳаракатга даъвати, истаги каби муносабати ҳам ифодаланади» (Хожиев 1975: 502-503). Гумон канчалик шартли бўлса, истакнинг ижроси ҳам шунчалик гумонли. Демак, фойдани hozirdan кидирмок керак. Алишер Навоий хазратлари даъват этганидек,

Мози-ю мустақбал ахволин такаллум айлаким,

Не учунким, дам - бу дамдур, дам - бу дамдур, дам - бу дам («Муншаот»).

Инсоният учун умумий бўлган тушунчалар, концептлар мавжудлигини биламиз. Булар қаторига масалан, юқорида эслатилган замон ва макондан ташқари, ҳақиқат, ёлғон, севги, шаън, бурч, адолат, хурмат, қасд, ғазаб кабилар ҳам киради. Бундай концептлар барча халқлар учун қанчалик умумий бўлмасин, ҳар бир халқ уларнинг мазмунини ўзича тасаввур ва талқин қилади. Бинобарин, швед ва ўзбек «шаън» сўзини бир хилда тушунмайди, хитой ва инглиз учун «бурч» бир хил маъно англатмайди. Виз учун йил тўрт фаслга бўлинса, саам элати уни саккиз давр (фасл) дан иборат деб тасаввур қилади. Умумий тушунчалар талқинидага бундай номувофиқликлар маданиятлараро мулоқотда турли ноқулайликлар туғдиради. Инглизлар ва олмонлар тарихан бир уруғдан тарқалишган. Уларнинг тиллари қон-қариндошдир, лекин шу миллатлар ҳам умумий тушунчаларни турлича идрок этишиб, уларни турлича шаклларда ифодалашлари мумкин экан.

Вақтни ифодаловчи сўзлар семантикасини ўрганиш тилшунослик фанида муҳим ўрин эгаллайди. Вақтни ифодаловчи воситалар ҳар доим муаммоли мавзулардан бири бўлиб келган. Вақтни ифодаловчи тил воситаларининг маъно майдони, жамият ва табиатда бўлиб турадиган ҳолат ва ҳаракат маълум бир пайтда, бир вақтда содир бўлишини ифодаловчи бирикмалардан иборат. Барчамизга маълумки, вақт, давр, йиллар, асрлар, ойлар, соатлар ва ҳатто дақиқаларни ўз ичига олади. Ўзбек ва инглиз тиллари

лексик қатламида вақтни ифодаловчи тил воситалари ҳам ўрганилган соҳалардан бири хисобланади. Уларни структура жihatдан қуйидагиларга бўлиш мумкин:

От+от

Техника асри, куну-тун, ёз оқшоми

Сифат+от

Ойдин кеча, юлдузли тун, ёмғирли куз, унутилмас сана, сокин оқшом

Рашиш+от

Дастлабки аср, аввалги хаёт

Инглиз тилида вақтни ифодаловчи тил воситалари асосан предлоглар ёрдамида ясалади. Масалан, day by day, the century of technics, the night of summer, the night with stars and others.

Бироқ, вақтни ифодаловчи тил воситаларининг айримлари архаик сўзлар хисобланади, мисол тариқасида чошгоҳ яъни шом пайти, хазон яъни куз сўзларини келтиришимиз мумкин. Шу ўринда инглиз тилидан ҳам мисол келтирмоқчимиз: once upon a time – қадим-қадим замонда

Инсон хаётида вақтга оид сўзлар муҳим ўрин эгаллашини айтиб ўтдик, чунки ҳар бир бўлаётган воқеа ходисалар белгили бир вақтда содир булади. Ҳар бир ёзувчи ва шоир ўз асарларида вақтни ифодаловчи сўзлардан кенг фойдаланади.

Масалан, шоир Уйғун “тонгги бўса” номли шеърида асосан тонгнинг бир кўринишини чизади ва шу билан бирга вақтга оид лексикани ўз ўрнида қўллади

Тонг ажойиб бир пайт тенги йўқ хусн,

Гўзал табиатнинг дилбар лавҳаси..

Йил китоб ҳар кундуз ундан бир вароқ,

Тонг эса вароқнинг гул сарлавҳаси.

Тонгнинг тасвирига ранг бисотидан,

Энг эркин, энг гўзал мато сайладим,

Чунки тонг саодат ва нур келтирар,

Унга илхомимни ҳада айладим...

Вақтни ифодаловчи сузлар инглиз тилида кенг микёсда ифодаланади. Масалан:
1) It would have been natural if you had punished the child for his behaviour yesterday. It would have been strange if he hadn't called on me when he was here last summer. -демак, шоир ва ёзувчилар вақтни ифодалар экан, уларни ҳар доим инсон манфаатлари ,ўйлари,орзу-умидлари,интилишлари билан боғлайдилар. Шу сабабли, Муқимий ва Фурқат

лирикасидаги баҳор фасли ҳақидаги мисралар, кўклам ва олтин куз тўғрисидаги шеърлар бизнинг онгимизни ва қалбимизни битмас-туганмас фикр – туйғулар билан бойитади. Инсонларнинг онгги, тафаккурини тарбиялашда бундай асарларнинг ахамияти бекиёсдир.

Вақт ифодаловчи тил воситаларининг семантик майдони, табиат ва жамиятда бўлиб турадиган ҳаракат ва ҳолат ёки воқеа-ҳодисаларнинг маълум бир пайтда, белгили бир вақтда содир бўлишини ифодаловчи бирликдан иборат. Вақт - муҳим астрономик тушунча бўлиб, замоннинг асрлар, йиллар, соатлар, минутлар ва шу кабилар билан ўлчанадиган, ҳамда объектив борликда юз бериб турувчи воқеа-ҳодисаларнинг қанча давом этишини билдирадиган бўлак. Узлуксиз тараккиётда муайян мақсад учун белгиланган ёки муайян мақсад учун фойдаланиш мумкин бўлган муддат оралиғини фурсатни билдирувчи (аср, йил, ҳафта, кун, соат, минут, соғия) ўлчов системаси мавжуд. Бундан ташқари вақтни, вақт муносабатини нисбатан аниқ ифодалашга хизмат қилувчи вақт ифодаловчи тил воситалари мавжуд. Масалан: аввал, эрталаб, пешин, лаҳза, палла, пайт, он, муддат, фурсат, азон, тун, кун, кеча кабилар ҳам мавжуд. Умумий мавҳум вақт тушунчасини бевосита ифодаловчи сўзлар тил бирлиги сифатида нутқда муайян нутқ бирликлари сифатида воқеа бўлади. Ушбу жараёнда лексиканинг - вақт ифодаловчи сўзларнинг ўзига хос ўрни бор. Ўзбек тили лексик катламидаги вақт ифодаловчи тил воситаларининг таржимада ифодаланиши кам ўрганилган соҳалардан ҳисобланади.

“Вақт” ифодаловчи воситаларнинг семантик-грамматик тузилишини ҳамда таржимада берилиши ўзбек тилшунослигида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек тилида вақт ифодаловчи сўзларни текшириш натижасида улар бирма-бир аниқланди.

Аср йил, ҳафта, кун, соат, минут, лаҳза, он, зум, нафас, соғия, дақиқа - минут (соат). кун, тун, сутка, (ҳафта), ой, йил, аср 100 йил эра, мангу, абадий, муддат, фурсат, мавруд, маҳал, муҳлат, сана, дам, кез, чоғ, палла, ўтмиш, мозий, қадим, тарих, бултур, муқаддам, доим, аввал, аллақачон, дастлаб Шунга кўра ҳафта кунлари:

душанба, сешанба. чоршанба, пайшанба, жума. шанба, якшанба. бундан ташқари ойлар. Шунга кўра вақт ифодаловчи тил воситаларининг инглиз тилида ҳам талқин қилмоқчимиз:

Century, year, week, day, an hour, minute, second, night, month, hundred year, period, internal, forever, time, moment, the past today last year, before, always already late, the day other history at the beginning. 6 the day before yesterday, Monday, Tuesday, Wednesday, Thursday, Friday, Saturday, Sunday. Бундан ташқари вақт ифодаловчи тил воситаларини ганда қўлланишини ҳам ўз навбатида кўриб чиқамиз:

1. Lane felt it at that moment Жейн уни ўша дақиқада хис килди.

2. If the weather didn't change we should go to the country tonight. Агар об-хаво ўзгармаганда эди, биз шахарга кечқурун борган бўлар эдик.

3. Will you finish your work on time? said Lane. Ишингизни вақтида тамомлайсизми? - деди Жейн.

4. That very next morning, his health will be better Кундан - кунга уни соғлиги яхшиланди.

5. One dark evening he came back to all his dear family. Бир кун кечқурун у қадрли оила аъзолари олдига келди.

6. Once upon a time - қадим замонда
Two days ago she came to the country.
Икки кун аввал у қишлоққа келди.

Демак, вақт ифодаловчи тил воситаларини таржимадаги ўрнини кўриб чиқар эканмиз, бу мавзу олимлар томонидан эътироф этилмаганига амин бўлдик.

Вақт концептини билдириб келувчи тил воситаларининг таржимада ҳам ҳаққоний акс этишининг ахамиятли томони шундаки, улар яратилган асарларнинг аслияти билан бир қаторда мавжуд бўлган турли тиллардаги таржималарнинг аслиятга муқобиллигини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилишидир. Улар асосан транслитерация замонавий муқобилини бериш йўллари орқали ўгирилади. Қиёсий тахлил жараёнида бу каби тил воситалари таржимасининг икки ҳолати аниқланди.

1 Агар қадимий аслиятда грегориан йил ҳисоби қўлланилган бўлса таржимада ҳам грегориан йил ҳисоби қўллаб ўгириш.

2 Агар қадимий аслиятда хижрий –шамсий-қамарий йил ҳисоби қўлланилган бўлса таржимада тарихий миллий рухни сақлаш мақсадида уларни транслитерация йули билан ўгириб сўнг грегориан йил ҳисобидаги муқобилини ёнма-ён қавс ичида бериш қадимда вақт ўлчовини билдириб келган. Ушбу тил воситаларининг тилимизда тутган ўрни ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Базан манбаларда улар тарихий сўзлар каторига киритилади Э. КИЛИЧОВ тизимидаги нофаол лексикани бу кўриниши архаизмлар деб атар экан байналмилал ой номларининг тилимизга ўзлаштирилиши эски ой номларининг истеъмолдан чиқишига сабаб дейди

Таржима санъатининг Ўзбекистонда пайдо бўлиб, тараққий топаётганига унча узок вақт бўлгани йўқ. Аммо, бугунга келиб ўзбек китобхонлари жуда кўплаб жаҳон адабиёти

дурдоналарининг таржима вариантларини таржимонларимизнинг сайъ ҳаракатлари эвазига қўлга киритяптилар. Бугунги кунда аслиймонанд таржима асарлари яратиш ва халқимизни жаҳон адабиёти дурдоналари билан мукамал даражада таништириш учун мамлакатимизда, биринчидан, таржима борасида жиддий илмий тадқиқотлар олиб борадиган лингвистик таржимашунослик билан шуғулланувчи олимларни етиштириш, иккинчидан, фалсафа, нутқ маънавияти, тил маданияти, дин тарихи, диншунослик, умумий тилшунослик, чоғиштирама тилшунослик, лингвокультурология, лингвистик таржимашунослик фанларининг замонавий назариялари билан бирга тил ва адабиёт тарихи, фонетикаси, грамматикаси, лексикологияси ва стилистикасини пухта ўзлаштирган бевосита таржима билан шуғулланувчи етук мутахассис таржимонлар тайёрлаш лозим.²⁰ Ҳар бир жабҳага янгиланиш нафаси кираётган ва миллий маънавиятимизни юксак даражага кўтаришдек долзарб масала ҳал қилинаётган ҳозирги даврда таржимонлардан жаҳон адабиёти дурдоналарини аслиймонанд таржима қилиш талаб қилинмоқда. Аслиймонанд таржимага эришиш учун аслиятнинг бадий-эстетик қиммати, икки тил лисоний воситаларининг луғавий мувофиқликлари ҳамда аслият мансуб бўлган халқнинг моддий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ омиллар таржимада тўлақонли акс эттирилиши лозим.

Мамлакатимизда кўп асрлик тарихий давр мобайнида жуда катта бадий-адабий, тарихий, ахлоқий, фалсафий, илмий, диний асарлар ўзбек тилига ўгирилди. Аммо, афсус билан қайд этиш лозимки, инглиз тилидан ўзбекчага бевосита таржима қила оладиган ҳақиқий мутахассис таржимонларнинг йўқлиги сабабли инглиз тилида ижод қилган муаллифлар асарлари ўзбек тилига ҳамон рус тили орқали таржима қилинмоқда. Бу эса таржима жараёнида муқаррар йўл қўйиладиган нуқсонлар миқдорининг икки бараварга ошиб кетишига олиб келади. Лекин тан олиш керакки, кейинги йилларда умид учкунлари алангаланиб, билвосита таржимадан бевосита таржимага ўтиш ҳаракатлари кўзга ташланмоқда. Асримизнинг бошидан бошлаб инглиз ёзувчиси ва шоирларининг бидий асарлари инглиз тили мутахассислари (Жамол Камол, профессор Муҳаммадбос Ирискулов, Алишер Отабоев, Нурбек Абдуллаев, Шаҳноза Акбарова, Динара Султонова, Хулкар Аъзам, Дилбархон Муҳаммадали ва бошқалар) томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита ўгирилатганлиги фикримизнинг далилидир. Шу ўринда таржима амалиёти ижодий жараён бўлганлиги сабабли унинг учун муайян андоза жорий қилишнинг мумкин эмаслигини таъкидлаш билан бирга, аслият руҳини адекват қайта яратаётган бевосита таржималар вужудга келаётган экан, бу ютуқлар пала-партишлик оқибатида эмас, балки уларга муайян умумий қоидалар асосида эришилиши

²⁰ Умрзаков Т.Б. Аслиймонанд таржима муаммолари//Жаҳон адабиёти. -2010. №3. -191-195 б.

лозимлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Таржима амалиёти ўз қонун-қоидаларига эга бўлган ижодий жараён бўлиб, унинг такомил сари узлуксиз одимлаб бориши лингвистик таржимашунослардан таржима тамойилларини такомиллаштиришни тақозо этади.²¹

Воқелиқда кечаётган ходисалар баёнида ва улар ҳақида ахборот узатишда унинг кечиш даври, пайтини кўрсатиш муҳимдир. Бундай кўрсатиш вазифасини замон (вақт) дейкиси воситалари бажаради. Вақт ёки темпорал дейкисини ифодаловчи воситалар воқеа содир бўлаётган ҳеч қандай пайтни кўрсатмасдан, балки бирор бир нуткий акт ижросидан олдинги ёки кейинги даврга ишора қилади (Уфимцева 1974: 184). Ҳақиқатдан ҳам вақт дейкиси ибораларининг баъзилари айрим вазиятларда ўтган даврга ишора қилса, бошқа вазиятларда қўлланганда келаси замон мазмунини ифодалайди:

1) Май ойининг биринчи хафтасидами? Мен ўшанда Японияда эдим.

2) Тўй шанба куними? Яхши, ўшанда кўришамиз.

Ушбу турдаги нуткий тузилмалар мазмунини тўрғи англаш учун уларнинг айтилган (битилган иайтини) фахмлашимиз лозим. Агарда биз идора эшигидаги «*Икки соатдан сунг кайтаман*» ёзувининг қачон осилганини билмасак, ходимни қанча муддатга кетганини била олмаймиз.

Вақт дейкиси ҳам (худди макон дейкисидек) макон ва замон тушунчаларининг нодейктик воқеланиши (концептуал ва лисоний босқичларда) билан боғлиқ ходисадир. Бу боғлиқлик замон ва макон майдонларининг семантик таркибида ўз аксини топади. Барча тил ва маданиятларда замон майдонига оид тушунчалар кун ва тун, ой, мавсум, йил кабиларнинг алмашинуви билан меъёрланадиган ўлчовга эгадирлар. Бу ўлчов, ўз навбатида, тақвимли кўринишда юзага келиши мумкин. Вақт тушунчаларининг тақвимли воқеланишида Ч.Филлмор машҳур «Санта Круз маърузаси»да айтганидек, «воқеалар бирор бир мутлақ *origo* (лот. «манба», «бошлангич нукта») билан боғланган «мутлақ» давр (замон)дан жой олади»²². Масалан, бугун, эрта, кеча кабилар дейктик ўлчовли дейктик бирликлар қаторига қирадилар ва улар бир кунлик вақт оралиғи меъёри билан фарқланади.

Тақвимли белгилар вақт оралиғининг аниқ ўлчовига ишора қилмайдилар. Бинобарин, «Душанба куни куришамиз» гапининг мазмунини тўлиқ англаш, қайси душанба назарда тутилаётганини билиш учун ушбу ваъда қачон (қайси куни)

²¹ Умрзақов Т.Б. Лингвистик таржимашунослик истиқболлари// Илмий хабарнома.- 2010 -№3. 98-99 б.

²² Fillmore 1975

берилаётганлигини билиш зарур (бу ваъда якшанба ва сешанба куни айтилишига нисбатан вақт ўлчови бир кундан етти кунгача фарқ қилади). Шунинг учун ҳам таквимли темпорал бирликлар аниқ, дейктик мазмун олишларида аниқловчилар ёрдамига мухтожлик сезадилар: ўтган якшанба, келгуси жума, жорий йилнинг декабри, шу кеча кабилар.

Вақт дейксисининг темпорал мазмун ифодасининг асосий манбаларидан бўлган замон категорияси билан боғлиқлиги масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу категорияни дейксис ходисасини шакллантирувчи манбалар қаторига киритиш учун барча гаплар нутқий фаоллашганда замон мазмунини ифодалайдилар, деган фикрни эътироф этишга мажбурмиз. Аммо «Уч карра уч тўққиз», «Пилла қурти тут баргини ёйди» каби гаплар қайси замонга (мантиқан) оид эканлигини билиш қийиндир.

Вақт категориясининг мундарижаси, унинг семантик ва шаклий -грамматик хусусиятлари хақида бу изланиш саҳифаларида батафсилроқ, баён беришнинг албатта имкони йўқ. Айтмоқчи бўлганим, хақиқатдан ҳам бу категориал мазмуннинг дейксис майдонида тутган ўрни алоҳидадир. Аммо бажарилаётган турли иш-харакат, фаолиятларнинг замон майдонида ўрин олиши турлича кечади. Кўпчилик ҳолатларда кечаётган фаолият, ходисанинг вақт оралиғида оладиган ўрни ва даври аниқ, ва равшан бўлса ҳам, бошқа ҳолатларда бу ўрин ва давр ноаниқ, бўлиб қолаверади. Санкт-Петербурглик тилшунос Александр Владимирович Бондарко «даврий маконга эга бўлган ва даврий маконсиз ҳаракат, фаолият вазиятларини» фарқлашни таклиф қилади (Бондарко 1987: 210). Ушбу номувофикликни ўз пайтида сезган поляк олими Э.Кошмидер ҳам «Уч карра уч тўққиз», «қўл қўлни ювади» кабилидаги «умумий хақиқат»ни ёки мавхум фактларни ифодаловчи тузилмаларни вақт оралиғи қаторидан ўрин олмаганлигини қайд этади. Унингча, «вақт оралиғида жойлашиш» ва бундай ўринга эга булмаслик ўртасидаги фарқ, грамматик шаклларда ўз ифодасини топади»²³

Менимча, юқорида кўрсатилаётган фарқ асосан формал-семантик хусусиятга эга. Бу ходиса прагматик таҳлил нуқтаи назардан олиб қаралганда эса улар ўртасидаги номувофикликнинг кескин эмаслиги маълум бўлади. Бунинг исботини кўрсатилган гапларнинг матн таркибида фаоллашуви мисолларида изохлаш мумкин.

Умуман, воқеа содир бўлиши, иш-харакат кечиши даврига оид мазмуннинг грамматик шакл мазмунига мос келиши доимий талаб эмас. Бинобарин, «Тешабой Болтабойни урди» гапи кечки пайтда айтилаётганида, «Тешабой Болтабойни эрталаб урди» мазмунини берса, бу гап эрталабки пайтда айтилганида эса воқеа кеча содир бўлганлиги хақида маълумот берилади. Шунингдек, инглиз тилидаги If I had a car

²³ Кошмидер 1962 1316

«Агарда машинам бўлганида, (тезда етиб келар эдим)»,

If I was rich «Агар бой бўлганимда (эди), саёхатга чиккан бўлар эдим» каби тузилмаларда темпорал мазмун грамматик шакл билан боғлиқ эмас. Бошқача айтганда, бу тузилмалардаги ўтган замон шакли вокеанинг ўтган ёки нуткий акт бажарилишидан олдинги даврда содир бўлишидан маълумот бермайди. Аксинча, изхор қилинаётган истак, хошишнинг ижросини hozir ёки келажакда кутиш мумкин. Шакл ва мазмун ўртасидаги бундай номувофиклик доим кузатилиб туриладиган ҳолатдир. Шунинг учун ҳам замон категорияси ўз формал ифодасини топмаган тиллар (масалан, хитой тили) темпорал дейксис мазмуни ифодаси имкониятидан махрум, деб қаралмаслиги лозим. Нуткий ҳаракат бажарилиши вақт даврийлиги доирасидан ташқарида ҳеч қачон юзага келмайди. Ҳар қандай мулоқот маълум даврда кечади, нуткий ҳаракат аниқ, бир вақт оралиғида ижро этилади. Демак, замон дейксиси нуткий ҳаракат мазмуни ва мундарижасини белгилашда асосий ўринни эгаллайди. Г.Юл айтганидек, «дейктик иборалар, чегараланган микдорда бўлишларига қарамасдан, кенг кўламда қўлланиладилар ва улар ҳар бир алоҳида қўлланишига нисбатан кўпроқ, коммуникатив мазмун ифодалайдилар

Таниқли таржимашунос олим А.В.ФЁДРОВ “Аслиятдаги бир маъноли сўзга турли контекстларда бирдай мос келадиган бир маъноли сўзнинг тўғри келиши амалиётда жуда кам “ деб айтар экан бундай мослик фақат баъзи лексик бирликларга асосан григориян йил ҳисобида амалга оширилганда бу тезис ўзини оқлайди Аммо шарқ ҳаёти тасвирланган мумтоз асарларда хижрий-шамсий-қамарий йил ҳисоби қўлланган ҳолларда таржимон бир мамлакатда яшовчи ҳамда ягона бир тилда сўзловчи халқ тилини ҳам синхроник ҳамда диахроник жиҳатдан ўрганиш лозим. Чунки бир тилида нофаол қатламдан жой олган тил бирликлари бошқа бир халқ тилида фаол қўлланишда бўлиши мумкин

Тил халқ руҳини ифода этар экан Вилгелм фон Гумболтнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтишни лозим топдик: “менинг тилим-менинг дунёим менинг дунёйим-менинг тилим” Дарҳақиқат, ҳар бир тил ўзига хос бир Дунё шундай экан бу ҳақиқат доимо таржимоннинг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Таржима шундай нарсаки, унинг шуларари остида инсонлар бир-бири билан яқинлашади сиёсий чегаралар ўртадан кўтарилади.

Таржимани Ф.ПАЙПКЕ қўлланилган бўлса таржимада икки тил доирасида матн даражасида амалга ошириладиган мулоқот дея тавсифлаб шундай ёзади : “Тиллар эмас матнлар таржима қилинади Сўзларнинг маънолари эмас балки уларнинг маънолари эмас балки уларнинг маънолари орқали билдирилган фикр таржимада ўз ифодасини топади ”

2.2. "Вақт" концептини ифодаловчи фразеологик воситалар тахлили ва таржима қилиш муаммолари

Яхши таржимага эришиш учун таржимон яхши адабиётчи ҳам бўлиши керак. У адабиёт назариясини билиши билан бирга адабий жанр турларини ҳам идрок эта олиши зарур. Биз бадиий адабиётдаги жанрлар ичида, халқ оғзаки ижодида етакчи ўрин тутган мақол ва маталлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Аввало мақол нима? деган саволга аниқлик киритиб олсак. Фольклёршунос олимлар Тимофеев ва Венгероўларнинг таърифлашларича, «мақол - шеърӣй тарзда ҳаётда содир бўлмиш воқеликка нисбатан халқ томонидан айтилган хулоса»²⁴. Кўп ҳолларда мақоллар икки қисмдан иборат бўлади. Содир бўлмиш воқеликни рамзий маъноларда ифодалаш билан бирга инсонни хушёрликка чорлайди. "Яхшининг сўзи - қаймоқ, Ёмоннинг сўзи - тўқмоқ. Эшикли бўлдинг - бешикли булдинг. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Сулаймои ўлди, девлар қутилди. Ҳамал келди - амал келди" каби образли ва яхлит барқарор бирикмалар мақол ҳисобланади. Энди маталларга келсак Х. Бердиёров ва Р.Расуловнинг фикрларига кўра маталлар - тарбиявий панд - насиҳат маноларини ифодаловчи, грамматик жихатдан тўлиқ гап шаклида бўлган, фақат ўз маъносида - тўғри маънода қўлланадиган, қисқа, ихчам халқ ибораларидир. Масалан: гўшт суяксиз бўлмас, шоли - курмаксиз, гул тиконсиз бўлмас, гумон иймондан айирар. Қадимдан мақол ва маталлар дунё олимларини қизиқтириб келган. Халқларнинг бир-бири билан бўлган ўзаро муносабатлари натижасида мақол ва маталлар бир-бирини тўлдириб ривожланиб боради, бу жараёнда уларнинг тиллардан тилларга ўгирилиши ҳам катта аҳамият касб этади.

Айрим манбаларда тилнинг яхлит бирлиги бўлмиш мақол ёки матал барча тиллар учун умумий бўлган, бир хил мазмун ва маъно касб этувчи «парема» билан ифодаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу атама конкрет тилларга боғлиқ «мақол», «пословица», «proverb» каби атамаларнинг ўрнини боса олади (киёсланг: товуш, звук, sound ва х.к.лар ўрнига «фонема», ёки сўз, слово, word ва х.к.лар ўрнига «лексема» ишлагилади), лекин бизнингча, «парема» атамасини «паремиема» атамаси билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўларди, чунки у грек тилидаги «рагопа» (паремия) сўзидан: олинган бўлиб(қараш: Словарь иностранных терминов, 1957, 515), у хикматли сўз (изречение), масал, хикоя (притча) каби маъноларни англатади. Бизнингча, «парема» атамасида грекча суз «рагоіміа» ўзининг тўлиқ аксини топмаган, аксинча унинг бир қисмигина сақланиб қолган ва этник бирлик сифатида унга «-сма» қўшимчаси қўшилиб,

²⁴ Тимофеев Л Венгероў Н Краткий словарь литературоведческих терминов Москва 1955 107стр

вахоланки «паремиема» атамасида эса мазкур грек сўзи ўзининг тўлиқ аксини сақлай олган бўларди.(таккосланг: « пар+ема» ва «пареми+ема»), шундай қилиб, «парема» атамасидаги «пар-» қисми ҳеч қандай маънога эга эмас, чунки грек тилида «раг-» сўзи ёки морфемаси умуман йўқ, лекин «рага» сўзи мавжуд бўлиб, у «ёнида», «яқинида» каби маъноларни англатади (қаранг: Словарь иностранных терминов, 1957, 511-515),., қолаверса, фразеологиянинг мақол ва маталларни ўрганувчи бўлимнинг номи ҳам бежиз «паремиология» деб аталмаган (ахир «паремология» эмас-ку!).

Инглиз тилида мазкур турдаги мақоллар ўзларининг структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятлари билан тилнинг паремиологик сатҳида махсус тизимга эгаки, мактаб, лицей, гимназия, коллеж, институт ва университетларда уларнинг ўқувчи ва талабалар томонидан ўрганилиши, мақолларнинг ўқитилиши ва таржима қилиниши жараёнида бир қатор қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф қилиш учун киёсий-типологик тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Биз қуйида инглиз тилида оила ва турмушни ифодаловчи паремиологик бирликлар (паремиемалар), яъни мақоллар ва уларнинг ўзбек тилига таржима қилиш усуллари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритамиз.

Инглиз тилида мазкур турдаги мақоллар ўзларининг структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятлари билан тилнинг паремиологик сатҳида махсус тизимга эгаки, мактаб, лицей, гимназия, коллеж, институт ва университетларда уларнинг ўқувчи ва талабалар томонидан ўрганилиши, мақолларнинг ўқитилиши ва таржима қилиниши жараёнида бир қатор қийинчиликлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф қилиш учун киёсий-типологик тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳар қандай фикр ибратли бўла олмайди, ҳар қандай ибратли фикр эса мақол. Шундай экан, ибратли фикрнинг мақолга айланиши учун айрим шартлар мавжуд. Биринчидан, мақолга айланувчи фикр халқнинг кўп йиллик иштимой-иқтисодий, сиёсий, ҳаётий тажрибасида синалган бўлиши лозим. Ана ўшанда у фикр ибратлилик касб этади, кишиларни ишонтира олади. Иккинчидан, мақолда ифодаланган фикр умуминсоний характер касб этиши лозим, учинчидан, ҳар икки шартга жавоб берувчи ибратли фикр ихчам, мукамал, бадиий жиҳатдан пухта, кристалл шаклга эга бўлиши керак. Кўрсатилган ана шу уч шарт тўлиқ юзага чиққандагина, ибратомуз фикр мақолга айланади.

Инглизларнинг "It is the last straw that breaks the camel's back" мақоли ўзбек тилига «Туя элакка колганда «бу» дебди» тарзида таржима қилинади, рус тилига эса «последняя соломка ломает спину верблюда» деб ўгирилади. Ўзбек

тилида бунга мос ҳолда қуйидаги вариантни ҳам бериш мумкин: «қирқига чидаган, қирқ

бирига чидамади». Бадиий нутқда таркибига кўра, мақол ва маталларни эслатиб турувчи хиазм деб аталувчи стилистик фигуралар ҳам бўлади. Улар маъно жихатидан ўзаро боғлиқ икки гап, жумла ёки сўзлар бирикмасида синтактик параллеллик хосил қилади. Бунда ўша стилистик унсур гапда хос тарзли «суратда» жойлашади. Шунинг учун у юнон тилидаги х(хи) харфи номи билан аталади. Бизнингча, барча тиллардаги антитеза - карама-қаршиликка асосланган мақол ва маталларнинг манбаи ҳам шу хиазмли иборалар бўлиши мумкин. Масалан. I love my love, and my love loves me²⁵ таржимаси мен севгилимни севаман, севгилим мени севади. Русчада Я люблю свою любимую, а любимая меня любит. Pleasure's a sin, and sometimes sin's a pleasure.²⁶ ўзбекчада Роҳат - бу гуноҳ, гуноҳ эса баъзан роҳат. Русчада, удовольствие - это грех, а грех иногда- это удовольствие .

The bear is lucky not to have been shut by the hunter, and the hunter is lucky not to have been caught by the bear.

Ўзбекчада айикнинг бахти-ки, овчи кўлига тушмади, овчининг бахти-ки, айикнинг кўлига тушмади. Русчада, Счастлив медвед! что непопался охотнику, счастлив охотник, что непопался медведю.

No sorrows, without happiness, and no happiness without sorrows. (MorningStar,1987,№19,p:') ўзбекчада хурсандчиликсиз ғам йук, ғамсиз -хурсандчилик. Русчада: Ми печали без радости, ни радости без печали.

Шу тарздаги хиазмлардан таркиб топган услубий фигуралар ҳам бизни назаримизда, аста-секин оммалашиб ва сайқалланиб, хикматлар хазинасини бойишига хизмат қилади.

Шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, халқлар ижтимоий ҳаёти, иқтисодий турмуш тарзи инъикоси сифатида пайдо бўлган тиллараро муштарак иборалар таржима жараёнида бир - бирини тўлдириб боради.

Мақоллар ёш авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга Шу қатори вақт концептини ифодаловчи мақолларда ўтаётган вақтни қадрига етиш тежамкорлик беҳудага сарфламаслик ундан тўғри фойдаланиш каби хикматлар ўз аксини топади Масалан:

- An hour in the morning is worth two in the evening.
- Кечки ишдан эртлабкиси яхши
- Everything is good in its season.
- Ҳар нарсани вақтида қилган яхши.
- First think then speak.

²⁵ Mc Millan p 270

²⁶ I Galperin Stylistics p 210

- Аввал ўйла кейин сўйла.
- Its never late to learn.
- Ўрганишнинг кечи йўқ.
- What greater crime than lost of time.
- Вақтинг кетди нақдинг кетди.
- Lost time is never found again
- Йўқолган вақт ҳеч қачон ортга қайтмайди
- Strike while iron is hot
- Темирни қизигида бос
- A stitch in time saves nine
- Барвақт қилинган ҳаракат ҳосилга берар баракат
- Haste make waste
- Шошган-иши унмас
- Well begun is halt done
- Ишнинг боши-бошлангунча
- What may be done at any time, Will be done at no time
- Қолган ишга қор ёғар
- It is the last straw that breaks the camel's back
- Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чида
- He that will not when he may when he will he shall have nay
- Бугунги ишни эртага қўйма
- Better late than never
- Ҳечдан кўра кеч яхши
- Never putt off till tomorrow what you can do today
- Бугунги ишни эртага қўйма

Мақолларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилаётганда, қуйидаги усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ:

- 1) аналогик таржима орқали (бунда мақолни ифодаловчи таржима воситаси (транслятема)нинг тури ва маъноси сақланади);
- 2) эквивалент таржима орқали (бунда мақолни ифодаловчи транслятеманинг фақат маъноси сақланади);
- 3) мақолни шархлаш тушунтириш орқали (бунда мақол маъноси тушунтириб ва шархлаб берилади). Таҳлилларимиз шуни ҳам кўрсатдики, мақоллар икки структурал-семантик турга бўлинар экан:

- 1) содда гап билан ифодаланган мақол;
- 2) кўшма гап билан ифодаланган мақол. Бир тилдан иккинчи тилга ўгираётганда бундай транслятемаларнинг иложи борича ҳам тури, ҳам маъносини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш лозим (унда бу аналогик таржима усули деб юритиладн). Баъзида мақолни ифодаловчи транслятеманинг фақат маъноси сақлаб қолиши тақозо этилади, (бундай усулни эквивалент таржима усули деб қаралади). Учинчи усулда транслятеманинг тури бутунлай бархам топади, унинг маъноси эса шархлаш билан кифояланади, яъни бу ерда яхлит маъно йўқолиб, унинг ўрнини тушунтириш ва шархлаш қоплайди. Унда мақол ўзининг паремиологик мақомини йўқотади ва оддий шархга айланиб қолади.

Мақолларнинг яна бир жихати шундаки, улар фразеологик бирликлар сифатида яхлит ва бетакрор структура ва семантикага эга, шу боис мақолларни шакли ва семантикаси турғун бўлиб, авлоддан авлодга ўзгармай ўтиб келади.

УЧИНЧИ БОБ. “Вақт” концептини ифода

воситаларини ўқитиш бўйича методик тавсиялар

“Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишда республикамиз миқёсида катта аҳамият берилмоқда Бутун жаҳон ҳамжамиятларидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжихатликда ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халкимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг хожати йўқдир”²⁷, -деб таъкидлайди президентимиз И.А.КАРИМОВ.

Сўнги йилларда жамиятда бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар замон талабига жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлаш масаласи жамиятимизнинг келгуси тараққиётига таъсир қилувчи энг муҳим масалалардан бири сифатида талқин қилинаётганлиги таълим жараёнида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти билан интеграллаш жараёни таълимда ҳам хориждаги янги ўқитиш технологияларидан бой тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини яратди.

Бундан ташқари, Ҳозирги пайтда эришилаётган фан ва техника ютуқларидан айниқса, тилшунелик, педагогика, дидактика, психоллингвистика ва психология фанларидан эришилаётган ютуқларидан таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш тақозо этилмоқда.

Ҳозирги пайтда таълимдаги энг муҳим масалалардан яна бири ўқитиш мақсади, мазмуни методлари воситалари ташкилий шакллари ва ўқитиш жараёнида ўрганилаётган фан материяли асосида тарбиявий мақсадни амалга ошириш ҳисобланади

Маълумки, узлуксиз таълим тизимдаги энг муҳим бўғинлардан бири олий таълим ҳисобланади, чунки, олий таълим халқ хужалигининг турли соҳалари учун хар тарафлама етук билимдон ва малакали кадрлар тайёрлашдаги муҳим бўғин ҳисобланади.

Таълимда юқори сифатга эришишда ва малакали кадрлар тайёрлашда ўқитувчи омили унинг билим даражаси касбий маҳорати энг муҳим омиллардан биридир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашда икки муҳим нарсага қаратмоқ лозим .

1. Келажадаги яъни бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлигига
2. Унинг пелогогик нуқтаи назардан тайёргарлигига

Биринчиси учун ўқитиш мақсади мазмуни яни нимани ўқитишни аниқлаш бўлса иккичиси учун ўқитиш методлари яъни қандай ўқитиш усуллари билан боғлиқ муаммоларни хал қилиш билан боғлиқ муаммоларни хал қилиш муҳим.

Бу эса Ҳозирги таълимда кенг қўлланилаётган янги педогогик технологиялар ўқитишдаги интерфаол усуллардан кенг фойдаланиши тақозо этади.

²⁷ И А Каримов баркамол авлод орзуси 1999 37 б

Ватанимизда қабул қилинган муҳим ҳужжатлар “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “таълим тўғрисида”ги қонунларда ҳам Ҳозирги пайтда чет тили ўқитишда ҳам илғор педагогик технологиялардан ва интерфаол методлардан самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатилган

Чет тил ўқитишдаги замонавий технологиялар хусусида сўз юритишдан олдин технология атамасининг моҳиятини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Технология сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, у маҳорат санъат маъноларини англатади.

Методик адабиётларда жуда хилма-хил технология сўзи билан боғлиқ атамаларни учратиш мумкин Бу ҳақида сўз юритганда энг аввало технологиянинг уч турини алоҳида кўриб ўтиш лозим

1. Техник технология
2. Таълим технологияси
3. Ўқитиш технологияси

Технология аслида таълим жараёнига ишлаб-чиқаришдан кириб келган. Ишлаб чиқаришда «технологик жараён», «технологик операция», «технологик харита», «технологик режим», атамалари кенг қўлланган. Технологик жараён маҳсулот ишлаб чиқиш жараёнидаги технологик операцияларнинг бирлигидан иборат. Технологик операция эса ишчи томонидан бажариладиган ҳаракатлар мажмуини ташкил қилади. Технологик харита эса маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги барча бажариладиган операциялар(ҳаракатлар)нинг кетма-кетлигини баён қилувчи ҳужжатдир. Технологик операцияларни амалга ошириш вақтини, шартини, тартибини белгилаш тушунилади. Ҳозирда кенг қўлланилаётган педагогик технология эса аслида инглиз тилидаги “Educational technology” сўзидан олинган бўлиб у таълим технологияси демакдир. Педагогик технология шахсни шакллантирувчи, унинг сифат ва хусусиятларини ривожлантирувчи технологияни ва ўқитувчи, ўргатувчи технологияларни яъни дидактик технологияларни ўз ичига олган ҳолда қўлланилмоқда. Аммо бизнингча чет тил ўқитишда биз бу тушунчаларга дифференциал ёндашувни мақсадга мувофиқ деб қараймиз.

Педагогик технология кўпроқ тарбия билан боғлиқ тизимни ўқитиш технологияси эса ўқув материални ўргатиш билан боғлиқ операциялар (ҳаракатларни) ўз ичига олади. Таълим-тарбия жараёни яхлит бир–бири билан боғлиқ ҳолда тушунилганлиги сабабли ҳам педагогик технологияга ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг бутунлигини ифодаловчи тизим сифатида қаралмоқда.

Биз чет тилларни ўқитишда янги замонавий технологияларни қўллаш хусусида сўз юритар эканмиз ўқитиш яъни таълим технологиясини алоҳида олиб қаралиши

мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз ,чунки таълим технологияларида инсоннинг ички ресурсларини (имкониятларини),таълим шакиллари оптималлаштириш жараёнидаги ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарсни ташкил қилиш ,билимларни ўзлаштиришнинг самарали усуллари излаб топиш, яратиш тушунилади Ўқитиш технологияси ҳам таълим технологиясининг узвий қисми бўлиб унда ўқитиш мақсади аниқроқ қўйилади, яъни аниқ бир мавзуга оид мақсадни амалга ошириш учун белгиланган, маълум кетма-кетлик бажариладиган дидактик ҳаракатлар (операциялар) орқали кўзланган ёки белгиланган, натижага эришишнинг кафолатланганлигини таъминловчи жараёндир . У технологик харитада ўз ифодасини топади.

Умуман олганда буни ўқув жараёнини лойихалашдаги тизимли ёндашув дейиш мумкин. Машҳур чет дидактик олими Ян Амос Каменский ҳам ўз даврида соат механизмидек аниқ ишловчи ўқитиш жараёнини лойихалаштиришни орзу қилган эди .

Чет тил ўқитишдаги технологик ёндашувга ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятидаги бир-бирига боғлиқликни ҳамда ҳамкорлигини, талабага нисбатан дифференциал ёндашувни, унинг ички имкониятларидан (қизиқиши, қобилияти, хотираси) фойдаланишни кўзлаб тузилган ва аниқ кафолатланган натижага олиб келувчи жараён сифатида қаралади. У ўқитишнинг технологик харитасида режалаштирилган ҳолда ўз ифодасини топади .

Маълумки ҳар қандай янги нарса эскиси билан солиштириб кўрилади. Агар анъанавий ўқитиш тизими билан замонавий технологияларга асосланган тизимни солиштириб кўрсак улар ўртасидаги ўхшаш ва дифференциал фарқлари кўришимиз мумкин.

Анъанавий ўқитиш тизимида ўқувчига нисбатан қаттиққўллик, насихатгўйлик, ўқитувчи авторитети асосида ўқув жараёни ташкил қилиш, Ўқувчиларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини чегаралаб қўйиш кузатилади. Ўқув жараёни эса билим бериш, тушуниб эслаб қолиш ва қайта айтиб беришга асосланган ўқитиш эса асосан ўртача ўқийдиган ўқувчига мўлжалланган. Бунда ўқитувчининг маҳорати, дарсларнинг мавжудлиги ва етарлилиги, ўқувчиларнинг қизиқиши ва фаоллиги ўқитиш олдига қўйилган мақсадга эришишни таъминлаш мумкин.

Замонавий янги ўқитиш технологияларида эса ўқитиш жараёни ўқувчи шахсига йўналтирилганлиги, унинг хотираси, қобилияти ва ички имкониятлари ҳисобга олган дифференциал ёндашув ўқитувчи-ўқувчи муносабатидаги ўзаро ҳурмат, ўқувчида ўрганилаётган фанга, мавзуга нисбатан юқори мотивация (қизиқиш, истак-хоҳиш) ҳосил қилишга интилиш кузатилади.

Билим олишда эса мустақиллик, муаммоли топшириқларни ечишдаги изланувчанлик ва ижодкорликни кўриш мумкин. Шунингдек ўрганилган ўқув материални амалиётда қўллашга нисбатан қизиқишнинг кучлилиги, роли дидактик ўйинлардан, муаммоли вазиятлардан кенг фойдаланиш ҳам янги ўқитиш технологияларига хосдир. Хорижий тилларга ўргатиш борасида жуда кўп хилма хил тажриба кузатиш ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб қандай услуб ва усулдан фойдаланилмасин барибир у билим олувчилар билан тил амалий кўникма ва малакаларини машқ қилиш ва матн билан ишлашга бориб тақалади. Амалий машқ қилмай туриб матн ишламай туриб сўз ўргатиш мумкин эмас. Атрофда хорижий тил андозалари наъмуналари кўп учрамайдиган мухитда матндан таржима усули билан хорижий тил асосларини хосил қилиб олиш ҳам ўта мухим ахамият касб этади.

Кўзга кўринган Америка тилшунос олимлари Р.Лада ҳамда Ч Фризларнинг фикрича она тилидан хорижий сўз маъноларини ва грамматик ходисаларни очиб бериш воситасидан тил материалларини изчиллигини таъминлаш усули сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Албатта хорижий тилга ўргатишнинг жуда кўп самарали ва мақбул усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида оғзаки нутқни ривожлантириш унинг мазмунини бойитиш ва ўстиришга қаратилган хилма хил сохаларни қамраб оладиган матнлар тизимининг типологик ахамияти каттадир. Замоनावий тил ўргатиш услубларида она тилидан фойдаланиш у ёки бу даражада олиб борилади.

Яқин яқинларгача ғарб тилларини ўрганиш ва ўргатишда асосий восита рус тили бўлиб ўқувчиларга бу нарса икки баробар қийинчилик туғдиради. Ҳозирги кунда бу борада она тилини чуқур ўрганиш ҳамда хорижий тилга ўргатишда унинг ахамияти катта бўлмоқда. Мустақиллик республикамизда илм фан техника маданият маориф ва бошқа сохаларни янада юксалтириш учун эътибор берган сари кучаяётганини хар қадамда сезиш мумкин. Фан сохалари қатори ўзбек тилшунослиги ҳам ривожланишнинг истиқлолли йўлига чиқиб олди. Ўзбек тилига Давлат тили макомининг берилиши эса миллий тилимизнинг юксалишида, истеъмол доирасининг кенгайишида мухим ахамиятга эга бўлди. Ўзбек тилининг фонологияси, лексикаси, грамматикаси билан бир қаторда, унинг фразеологияси, услубияти ҳам кенг ўрганила бошланди. Бунинг натижаси ўларок, қатор илмий тадқиқотлар яратилди.

Хорижий тил материалларини она тилига ,она тили материалларини эса хорижий тилга таржима қилиш жараёнида тафаккур қобиляти ўсади ,бир пайтнинг ўзида ақл, тафаккур, хаёл, хотира ва сўз, билиш қобиляти ривожлантирилди, чунки айтилган фикрни чуқур тушунишга эмас, балки ўша фикрни ўз она тилида мукамал ва тўғри ифодалай билиш кўникмалари ҳам талаб этилади. Бунга эса фақат иккала-ўзбек ва

хорижий тил материалларини лингво-типологик нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилиш орқалигина эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу лингво-типологик услуб умумий тилшуносликда бебаҳо восита ҳисобланади. Чунки жуда кўп тил материалларини ўрганилаётган тил ичидаги ходисаларни она тили ичидаги тил ходисаларига таққослаб кўриш орқали ўрганиш фойдали натижалар беради. Масалан, инглиз тилида мавжуд бўлган предлогларнинг ишлатилишини, гапларда сўз тартиби қоидаларини, лексик-семантик ходисаларини турли тизимдаги тилларда ўрганиш ёки тиллар ва уларнинг яруслараро лингвистик категорияларнинг ифодаланиш усуллари муқояси қилиш каби масалаларни тадқиқ қилиш маъқул бўлади. Бундай лингвистик ёндашиш натижасида хорижий тил материалларига эмас, балки она тили материали ҳам онгли равишда ўрганилади ҳамда чуқурлаштирилади. Агар фикрнинг аниқ берилиши шартлиги кўзда тутилган бўлса, таржима ўрнига бир тилли матнлардан, яъни перифраза ишлатилиш матнларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бир фикрни турли воситалар ёрдамида ифодалай олиш қобилияти маълум даражада билим олинганлигини кўрсатади. Керакли фикрнинг бошқа сўзлар билан ифодаланиши перифраза бўлиб, уни мукамал ўрганиб олишдан аввал ёки унинг тўғри эканлигини текшириб кўриш учун ҳам назарий, ҳам амалий таржимадан фойдаланиш

тавсия этилади. Фикрнинг аниқ берилиши шарт бўлган ҳолларда, яъни турли шартномаларни хорижий фирмалар билан тузишда, улар билан ахборот алмашишда, аниқ фанларга оид материалларни ўрганиш жараёнида икки тилли матнларнинг, яъни таржима матнларининг аҳамияти беқиёсдир, чунки ҳар қандай синоним ёки перефразанинг ҳам кутилган маънони беришдаги аниқлик даражасида ўзига хос камчилиги бўлади, у фикрни аниқ бера олмаслиги ҳам мумкин.

Хорижий тилда гапиришда ўқувчи икки томонлама қийинчиликка дуч келади: у нима дейишини ҳам, ўша фикрнинг қандай ифодаланишини ҳам ўйлаши керак бўлади. Амалий таржима матнларини изчиллик билан мунтазам ўрганиб бориш эса айниқса тил ўрганишнинг бошланғич босқичларида хорижий нутқнинг автоматлашувига олиб келади. Бундай амалий матнларни ўрганиш жараёнида тил ўрганувчининг ақлий ва тафаккур қобилияти ҳам ўсади, ривожланади. Тил муаммосини “осонлаштириш” ва тил “тўсиғи”ни енгиш учун сўз ва конструкцияларнинг берилиши, тафаккур кучини ошириш учун иллюстратив тест материалларининг берилиши тавсия этилади. Бундай иллюстратив материаллар сифатида яна она тилидан хорижий тилга ёки аксинча, хорижий тилдан она тилига амалий таржима матнларини олиш керак бўлади. Бунда фақат тилнинг грамматик томонига ўрганилмасдан, тўғри вариантдаги таржимани топиш учун ақлий тафаккур ҳам ўстирилади.

Маълумки, хорижий тил факультетларида таҳсил олаётган талабалар ўз она тилисидан ташқари маълум бир хорижий, яъни рус, инглиз, немис, француз тилларини ўрганадилар. Бундан кўриниб турибдики, хорижий тиллар факультетларининг ҳар бир битирувчиси ўз ихтисослигидан ташқари таржимон сифатида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Малакали чет тили ўқитувчилари тайёрлашда таржима муҳим аҳамиёт касб этади, чунки ўқитувчининг дарсни ташкил этиш ва дарс жараёнида таржимадан унумли ва мақсадли фойдалана билиши кўп жиҳатдан дарс самарадорлигини ошириш гаровидир. Бу айниқса миллий аудиторияларда, яъни кўпчилик ҳолатларда чет тилини иккинчи ёки учинчи тил сифатида ўқитишда муҳим роль ўйнайди. Инглиз ва ўзбек тиллари турли тизимдаги тилларга мансуб эканлиги учун ҳам чет тили ходисаларини чуқурроқ тушуниб олишда таржима асосий восита ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан олиб бораётган алоқаларининг ўсиши ва жамиятимизда кечаётган интеграллашув жараёни жамиятнинг барча жабҳаларида таржимага бўлган эҳтиёжни кескин ошириб юборди. Шунинг учун ҳам хорижий тил факультетини битирувчиларини кўп ҳолларда давлатимизнинг турли хил маҳкамаларида, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётган корхоналарда, халқаро туризм билан шуғулланаётган ташкилотларда умуман олганда таржимонга эҳтиёж сезилаётган турли ташкилотларда ишлашга таклиф қилинаётган ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин. Бу эса ўз навбатида хорижий факультет талабаларида таржимонлик кўникма ва малакаларини шакллантириш давр талаби эканлигини кўрсатмоқда.

Таржиманинг аниқ ва мукамал бўлишида таржима тилининг грамматик қурилиши унга мувофиқ тил бирликларининг мавжуд эканлиги ёки эмаслиги тилнинг объектив борлиқни ифода эта олиш имкониятларининг миқёси бир хил эканлиги ёхуд би хил эмаслиги каби омиллар қаторида таржимоннинг маҳорати ҳам катта роль ўйнайди. Шу маънода таржимон нафақат аслият таржима тилининг грамматик қурилиши, лексик бойлигини, балки ўша тилда гапирилувчи халқ тарихи, урф – одатлари, анъаналари, тил бирликларининг функционал жиҳатлари ҳақида ҳам мукамал билимга эга бўлишлари керак. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда биз инглиз тилидаги феълларнинг ўтган перфект формасини ўзбек тилига таржима қилиш хусусидаги айрим фикр – мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз. Даставвал таржима қилишда биз ҳар иккала тилнинг ўзига хос хусусиятларига бир оз тўхталмоқчимиз.

Инглиз тили ҳинд-европа тиллари оиласининг герман тиллар гуруҳига мансуб, бизнинг она тилимиз бўлган ўзбек тили эса туркий тиллар оиласига мансуб.

Иккаласининг грамматик тузилишида турли фарқлар бор ва албатта, бу таржима жараёнида катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Маълумки, инглиз тили ва ўзбек тили бошқа-бошқа тил оилаларига мансуб бўлиб, улар бир-биридан ҳар жиҳатдан тубдан фарқ қилади.

Таржимадаги қийинчиликлардан яна бири шундаки, кўпгина чет эл ижодкорлари томонидан яратилган асарлар ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилинмаган, балки воситачи тил, яъни рус тили орқали таржима қилинган.

Маълумки, инглиз тилидан рус тилига тўғридан-тўғри таржима қилинганда, инглиз тилида мавжуд бўлган, лекин рус тилида йўқ бўлган баъзи нарсалар тушуриб қолдирилади ва таржима юз фоиз бўлмайди. Юз фоизли таржимага эришиш учун ўша таржима қилинаётган асар муаллифнинг ўзи томонидан қилингандагина эришса бўлади.

Таржима қилинаётган асар инглиз тилидан таржимон ёрдамида рус тилига баъзи ўринли ва ўринсиз тушириб қолдиришлар билан таржима қилинади, сўнг у асарнинг рус тилидаги варианты ўзбек тилига таржима қилинади. Бу жараёнда, албатта қатор камчиликлар юзага келиши табиий, чунки рус тилидаги кўп нарсалар ўзбек тилига тўғри келмайди ва таржимон ўзини қийнашни истамайди-да, буларни ўринсиз тушуриб қолдиради. Натижада асарнинг бадиийлигига, бўёқдорлигига салбий таъсир қилади.

Таржима машқларига эҳтиёж шундаки, инсон чет тилини ўрганиш жараёнининг дастлабки босқичларида ўз фикрини аввал она тилида ички нутқда ифода этади, кейин уни чет тилига таржима қилиб ташқи нутққа чиқаради, яъни мияда ички нутқда она тилидан чет тилига таржима жараёни кечади. Агар талаба диаформаларни яхшилаб ёдлаб олган бўлса, бу жараёнлар автоматлашади, натижада стереотиплар ҳосил бўлади, бу эса ўз навбатида бошқа коммуникатив машқларни бажаришни енгиллаштиради.

Таржима чет тили ўқитишнинг методикасида ҳам кенг қўлланилган. Бунга мисол қилиб интенсив (тезкор) методлардан бири бўлмиш ритмопедик методни келтириш мумкин. Ушбу методда таржима техник воситалар ранг, мусиқа, ва ритм уйғунлигида намоён бўлиб, у лексик грамматик материални талабалар томонидан қисқа бир вақт ичида ўзлаштириб олинишига ёрдам беради. Ритмопедик методда таржима тил материални ўқув жараёнига киритиш, тушиниб олиш, мустаҳкамлаш ва оғзаки нутқ кўникмаларини ўстиришдаги ўзига хос иштироки билан ажралиб туради. Ушбу методга кўра, дарснинг бошланишида аудиторияда маълум психологик муҳит яратилади ва у талабаларни чет тилида бериладиган ўқув материални эшитиш, қабул қилиш ва тушиниб олишларига ёрдам берилади. Таржимадан ушбу усулда нафақат лексик материални ўрганиш ва сўз бойлигини ошириш, балки, грамматик материални ўзлаштиришда ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Чет тилини ўрганишда турли дидактик ўйинлардан ва аудио, видео ва теледастурлардан фойдаланиш юқори натижаларга эришишга ёрдам беради. Ў.Хошимов ва И.Ёқубовларнинг фикрига кўра, методик адабиётларда ўйин вазиятли машқ деб талқин қилинади. Ўйин қуйидаги методик вазифаларни ҳал қилишга ёрда беради:

- 1 Ўқувчиларни нутқни бажариш учун психологик тайёргарлигини ташкил қилади;
- 2 Ўқувчиларга тил материалларини нутқ наъмуналарини кўпроқ қайтариб қўллашга табиий вазиятни ҳолатни вужудга келтиради;
- 3 Ўқувчилар шароитга қараб мустақил тайёрланмаган нутқни бажаришга ўрганадилар;

Педогог олимларнинг кузатишларича ўйин жараёнининг биринчи босқичи ажратиб олувчи ўйин бўлади. Машғулот жараёнида ўйналаётган ҳар қандай дидактик ўйинлар ўқувчилар ҳаётига қанчалик яқин бўлса, унинг кундалик ҳаётдан лавхалар ифодалашга қаратилган бўлса, дидактик ўйинларга бўлган қизиқиш шунчалик ортади ва чет тилини ўрганишга қулай имконият туғилади. Акс ҳолда ўйинга қўйилган мақсадга эришиш қийин.

Ўқувчини чет тилига ўргатишда аввало унинг ўша тилни ўзлаштиришга эҳтиёжи ва қизиқишини шакллантириш лозим. Бу эса табиийки, ўқувчида ички истакни яъни мотивацияни келтириб чиқаради Сўзлашиш жараёни қайси тилда амалга оширилишидан катъий назар тил ўрганишнинг муваффақияти-ўқувчиларнинг ички фаоллиги уларнинг ўз фикрини чет тилида баён этишга интилиши ва қизиқишидадир.

Дарсларни дидактик ўйинлар орқали ўтказиш ҳозирги кунда кенг тадбиқ этилаётган янги замонавий методлардан бўлиб, бу ҳар иккала томон учун манзур ва маъқул бўлган усулдир. Таълим ва тарбияга йўналтирилган дидактик ўйинлар жараёнида ўқувчилар ўзини дарсда эмас ўйинда қатнашаётганини ҳис қилиб ўзларидаги бор билимини ва маҳоратини ишга солади, ҳамда ғалаба қозонишга ўртоқларига ёрдам беради. Бу жараёнда ўқитувчи аудиториядаги барча ўқувчиларни билимини текшириб баҳолайди. Ўқувчиларга чет тилини ўқитишда самарали натижага эришишда ўқитувчидан улкан маъсулият ва чуқур билим талаб қилинади ва у чет тили ўқитиш методикасидан яхши бохабар бўлиши, ҳамда сўнгги замонавий технологиялардан ва интерфаол методлардан тўғри фойдалана олиш маҳорати талаб қилинади.

Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният яратилгандан бери тушунчалар ва концептлар мавжуд. Бундай концептлар орасида ушбу битирув малакавий ишида тадқиқ этилган вақт концептидир. Вақт концепти ўзбек тилида замон, фурсат, он, пайт каби сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Инглиз тилида эса time ёки period тарзида ифодаланади. Вақт бу-астрономик тушунча бўлиб, вақт концептини ифодаловчи воситалар ҳар бир мулоқот, матн ва бадиий, илмий, социологик ва публицистик асарларида учрайди, чунки вақтни ифодаловчи воситалар матннинг янада аниқлиги ва тушунарлилиги учун жуда аҳамиятлидир.

Тадқиқот давомида ўзбек ва инглиз тилларидаги вақт концептини ифодаловчи тил воситалари ўрганилди. Бу жараёнда чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик қонун-қоидалари билан танишиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли жihatлари ўрганилди. Ҳозирги кундаги таржимашуносликнинг долзарб масалалари:

1. Мақсадли таржимонлар таёрлаш.
2. Илмий-техник адабиётлар таржимаси.
3. Насрий ва назмий таржима.
4. Таржимонликнинг назарий йўналиши.
5. Таржимонликнинг дидактик аспектлари ва уларни бартараф этиш йўллари

Тадқиқотда илк бор инглиз ва ўзбек тилларида “вақт” концептини ифодаловчи тил воситалари ўрганилади. Инглиз ва ўзбек тилларида “Вақт”ни ифодаловчи тил воситаларининг функционал турлари аниқланди ва тилларнинг ўхшаш тил ходисаларидан фарқли жihatлари аниқланди:

-инглиз ва ўзбек тилларида “Вақт” концептини ифодаловчи тил воситалари солиштирилди;

-таржима ёки тахсил жараёнида дуч келадиган “Вақт” концептини ифодаловчи тил воситалари ўртасидаги муносабат аниқланди, шу асосда ўқитишнинг илғор педагогик технологияси яратилди.

“Вақт” тушунчаси инглизларда ва ўзбек халқида қандай маъно касб этиши ва уларнинг таржимасидаги хосланганлик даражаси аниқланди. “Вақт” концептини ифодаловчи юқоридаги 2 миллат менталитетига мос фразеологик бирикмалар: мақоллар ва маталларнинг ўхшашлиги, таржима муаммолари ва уларнинг лингводидактик хусусиятини ўқувчиларга таъсир доираси ўрганилди. Муаммоларни

бартараф этишнинг бир неча турлари тадқиқ этилиб, уларнинг натижаси ижобий тарзда кузатилди.

Инглиз ва ўзбек тилларида қуйидаги “Вақт” тушунчаси ифодаловчи тил воситалари аниқладик:

аср	Century
Йил	year
Кун	month
Соат	hour
Дақиқа	minut
Сония	second
Абадий	forever
Кеча	yesterday
Бугун	today
Эртага	tomorrow
Хар доим	always
Эрталаб	morning
Тушлик	afternoon
Кечкурун	night
Душанба	Monday
Сешанба ва бошқ.	Tuesday and etc.

Синтактик таҳлилда хол гап бўлаги сифатида синтактик вазифа бажаради. Вақтни ифодаловчи мақоллардаги эзгу хикматлар ҳар вақт бизни тежамкорликка, эҳтиёткорликка ва вақтдан унумли фойдаланишга ундайди ва бу баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: "Шарқ", 1999 й
2. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент: "Шарқ", 2008. й
3. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент: "Шарқ", 2002 й
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т. Ўзбекистон. 2011 йил.
5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М. 1966 г.
- 6.Алимов Ш. С. Замонавий ўқитиш технологиялари фанидан маърузалар курси. Андижон, 2009й
- 7.Абдурахмонов Х., Шодмонов Е., Рафийев А. Ўзбек тили. Тошкент, "Ўқитувчи", 1988.
8. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Т. 1967 йил.
9. Бодуэн де Куртенэ И.А. О задачах языкознания. В кн.: Избранные труды по общему языкознанию. М.: 1963.
10. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. –М.: Изд-во МГУ, 1989.
11. Горский Д.П. Обобщение и познание. –М.: Мысль. 1985.
12. Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. –М.: Наука, 1982.
13. Кочергин А.Н. Взаимодействие наук как комплексная проблема. В кн.: Взаимодействие наук как фактор их развития. – Новосибирск: Наука, 1988.
14. Кацнельсон С.Д. Категории языка и явления. Из научного наследия. Москва: Языки славянской культура. 2001.
15. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. –Л.: Наука, 1972.
16. Кубрякова Е.С. Логический анализ языка: культурные концепты. М. Наука. 1991.
17. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Т.: Фан, 2005.
18. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах. 2006 йил.
19. Тўхтажўжаева Н.А. Лексико-фразеологическая репрезентация концепта “happiness” “бахт” в английском и узбекском языках. Вестник.Челяб.гос. универ. 2011.№ 28(243) Вып 59
20. Усмонов. С.Умумий тилшунослик, Т., 1972
21. Умрзаков Т.Б. Аслиймонанд таржима муаммолари//Жаҳон адабиёти. - 2010. №3.
22. Умрзаков Т.Б. Лингвистик таржимашунослик истиқболлари// Илмий хабарнома.- 2010 -№3.

23. Юсупов Ў.Қ. Концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида. Андижон. 2010. Қиёсий-чоғиштира, типологик ва умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материалларидан.
24. Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, № 3. 26-30 б.; №5.
25. Chomsky N. Review: B. F. Skinner's Verbal Behavior // Language, 1959. v. 35.
26. Fodor J. The Language of Thought.-Sussex, 1975.
26. Katz J. Language and other abstract objects. Oxford: Blackwell, 1981.
27. Katz J. An outline of platonist grammar. In: Talking minds, Cambridge: MIT - Press, 1984.
28. Sapir E. The status of linguistics as a science. In: Selected writings of Edward Sapir in language, culture and personality. Berkley: Univ. of California Press, 1968.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

www.google.uz

www.ziyonet.uz

www.google.com

www.yandex.ru